



МУБОРАК ОЙ РАМАЗОН КЕЛМОҚДАДИР!



Иншааллох 20 июлда ёки 21 июлда (албатта ойни чиқишига қараб аниқ бўлади) 1433 ҳижрий йилини рамазон оғи киради. Ислом динида мусулмонлар учун рўза тутиш Расулulloх САВ Мадинага ҳижрат қилганларининг иккинчи йили фарз қилинди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларигача тўққизта фарз бўлган ҳолда Рамазон рўзасини тутганлар. (У зот унганча ҳам нафл рўзалар тутиб

*Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!
Ғафлатда қолмангиз, эй Мусулмонлар,
Яқин келаяпти, фазли онлар.
Бизга Яратганнинг раҳматин олиб,
Кириб келаяпти, улуг айёмлар!
Раҳмати Ҳақдин нишон, келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!
Ўтиб неча йиллар, неча асрлар,
Келади улуг ой, поклар диллар,
Бу муборак ойнинг шарофатидан,
Ҳидоятлар топар, сўқир кўнгуллар!
Кўп асрлик "Карвон", келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!
"Мағфират ойидир", – дەرлар бу ойни.
Дилларин юмишатар, Шоҳу–Ғадоийни.
Хайри-эҳсон, сабаб бўлиб оқибат,
Биродари бўлар, камбағал Бойни.
Тангрини фазли аён, келмоқдадир!
Муборак ой рамазон, келмоқдадир!
Қилинар бу ойда, тиловат қуръон,
Қилинар саховат, қилинар эҳсон,
Таровиҳлар ўқиб, тасбиҳлар айтиб,
Ҳақ ризосин истар, ҳар бир мусулмон!
Бандаларга "имтиҳон", келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!
Ўликлар, тириклар, инсу-жин, бари,
Мағфират истаиди, барча ёш-қари,
Бу муборак айём сабабли, шаксиз,*

юрардилар) Мазкур ойдаги рўза асрлар оша келаётган бу уммат "Карвон"идаги (тарихидаги) сон жиҳатидан 1432чи рўзадир. Дунёда ҳаёт тугагунча бу ой ҳар йили қайта қайта келаверади. Ва албатта насиб этганларгина рўза тутиб ибодат қилиб қолишади. Рўза ибодатига тегишли барча ҳукмлар ва уни тутишнинг фазилатлари ҳақида бугун интернетда минглаб мақолалар мавжуддир. Бу мақолада бу каби мавзуга тўхташга ҳоҷат йўқ. Асосийси бу улуг айёмда Аллоҳ рози бўладиган тарзда ибодатлар қилаолишимизга тавфиқ берсин. Бу айёмлар шарофатидан гуноҳларимизни мағфират қилсин. Имон билан ўтганлар бандаларини Аллоҳ раҳматига олсин! Бу улуг айёмларда дуолар қилайлик ватанимиздаги зулм салтанати куласин ва жафокаш халқимиз мўмин мусулмонлар рўшноликка чиқсин! Барча мўмин мусулмонга бу улуг айёмлар муборак бўлсин!

*Аллоҳнинг раҳматин топар, аксари!
Аҳли исломга омон, келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!
Бу ойни ганимат, билмоқлик керак,
Тақвою-ибодат, қилмоқлик керак,
Қадр кечаларин ўтказиб бедор,
Аллоҳ раҳматига, етмоқлик керак.
Иззати вожиб "Меҳмон" келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!
Ўтган аждодлар ҳам, эсланар бу ой,
Қариндош-уруғлар, йўқлар бу ой,
Ғариб мискинларга, яхшилик қилиб,
Диллар губорлардан, поклар бу ой.
Бир гўзал "Моҳитобон", келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!
Авф этсин, мағфират истаган одам,
Раҳм этсин, Ҳақ раҳмин истаган одам,
Расулга эргашисин, имкон борича,
Аллоҳ муҳаббатин истаган одам!
Мағфират ой, биз томон келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!
Мусулмонлар учун, улуг неъмат бу,
Тақво хосил қилиш учун, фурсат бу,
Қадрини билмаган, ғафлат аҳлига,
Қиёмат кун бўлар, улуг ҳасрат бу!
Беамаларга зиён, келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!*

Абутов М.

"ЭРКИН ЮРТ" МУҲАРРИРИДАН "ДУНЁ ЎЗБЕКЛАРИ" МУҲАРРИРИГА

ЎХХ 2-Қурултойидан кейин Оксарой кабинетларида тинчлик тамоман йўқолди, дейиш мумкин. Буни пайкаш учун, Оксаройга бориш, ёки унга тегишли бир-бирдан зерикарли сайтларни оралаш эмас, аксинча хориждаги "муҳолиф" ёки "мустанкил" номли сайтларга қараш керак.

(Давоми 2-бетда)

"НАЖОТ" ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАШҚИЛОТИ РАИСИ ҲАЙИТБОЙ ЁҚУБОВ ЖАРИМАГА ТОРТИЛГАН

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг 2-қурултойида иштирок этган "Нажот" инсон ҳуқуқлари ташкилоти раиси Ҳайитбой Ёқубов жаримага тортилган. Муҳолифатдаги "Эрк" демократик партияси Бош котиви Отаназар Ориповнинг билдиришича, бу ҳақда Ҳайитбой Ёқубовнинг ўзи телефон орқали маълум қилган.

(Давоми 3-бетда)

ИСЛОМ КАРИМОВ КХШТГА: "МЕНИ КЎТГИЛ ВА МЕН ҚАЙТАРМАН"....МИ?

Ўзбекистон Коллектив Хавфсизлик шартномаси ташкилотидаги фаолиятини тўхтатди. Каримовни бу қарорга келтирган омиллар, ҳозирда Россия ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги етакчи сиёсий таҳлилчилар ҳамда журналистлар учун қизиқарли мавзуга айланган.

(Давоми 4-бетда)

БИЛАГИ ЗҶР БИРНИ, БИЛИМУ ЗҶР МИНГНИ ИЙҚАР!

Ўзбекистон ҳукумати амалдори ёшларимизнинг билими ва доно бўлишидан манфаатдор эмас! Чунки, амалдаги ҳукуматнинг мутассади ходимлари, ёшларимизнинг саводсиз бўлиши учун, бунчалик даражада ҳаракат қилишмас эдилар!!!

(Давоми 5-бетда)

“ЭРКИН ЮРТ” МУҲАРРИРИДАН “ДУНЁ ЎЗБЕКЛАРИ” МУҲАРРИРИГА

ЎХХ 2-Курултойидан кейин Оксарой кабинетларида тинчлик тамоман йўқолди, дейиш мумкин. Буни пайқаш учун, Оксаройга бориш, ёки унга тегишли бир-биридан зерикарли сайтларни оралаш эмас, аксинча хориждаги “мухолиф” ёки “мустақил” номли сайтларга қараш керак.

Мен бу сайтларни номма-ном санаб, уларнинг шундоғам мухтож бўлиб турган рекламасини қилиб бермоқчи эмасман. Фақат бу сайтлардаги ЎХХга тааллуқли энг сўнги мақолага эътибор қаратмоқчиман. Куни кеча интернет сайтларидан бирида “Ўзбекистон Халқ Ҳаракати” сайти ва Ҳаракат лидерига қарши қаратилган навбатдаги парча босилди. Бундай парчалар катта янгилик эмас, доим босилиб келган, ва улар нима мақсадда ёзилиши, улардан ким манфаатдор эканини такрорлаб ўтирмаймиз. Лекин бу парча шуниси билан қизиқки, унинг муаллифи – икки ҳафта олдин Прагада ЎХХ Курултойида қатнашиб, Ҳаракат лидерига ҳурмат ва эҳтиромидан оташин нутқлар роз этган мустақил журналист Исмат Хушевдир. Воқеа қисқача шундай бўлган: ЎХХ сайтида Курултойнинг яна бир делегати Тогбой Абдураззоқнинг “Огоҳ бўлинг” номли бир шеъри чоп этилди. Ушбу шеърни Хушев ўзининг сайтида кўчириб босган, ва шеър остида манбаа сифатида ЎХХ сайтини кўрсатган. Аммо “қўшиб ёзиш” касаллиги, афтидан “Дунё ўзбеклари”га ҳам бегона эмас шекилли, шеърни кўчириб босаётиб, тепасига “Исмат Хушевга” деб қўшиб ёзворибди. Ва шундан кейин ... бошланди! Аввало, тарафсизлик кўриниши пайдо этувчи, “Фейсбук” даги аноним шарҳ:

“Ozodlik Saelovlar Bu kandaй демократия! Агар бир одамни қабул қилган қарори учун бундай талаш. Кеча дуст бўлиб, бугун ит каби талашиш. Демак бу ташиклот оғиздур. Сизларин Каримов режимидан нима фарқинлар бор, агар узга фикрдагиларни бундай таласангизлар”

Сўнгра, бевосита шеър муаллифи Т.Абдураззоққа қарата:

“Шеър муаллифи биз яхши таниган, ҳурмат қилган ва ўз қадрдонимиз деб билган мўйсафид бир отахон эди. Ажабки, бу отахонни Муҳаммад Солиҳга биз

тавсия қилган ва унинг эътироф этилиши лозим бўлган, лекин эътироф этилмай қолган “Ҳаракат” гимни учун ёзилган шеърни учун Раис билан анча баҳслашган эдик. Сўнг раисдан кекса одамнинг кўнгли қолмасин, телефонлашиб ҳол аҳвол сўраб қўйинг деб илтимос қилган эдик. Кўп ўтмай Тогбой аканинг ўзи бизга Муҳаммад Солиҳ унга телефон қилганини айтиб, миннатдорчилик билдирган эди. Халқ Ҳаракати тузилган пайтларда бўлишга ҳам, Ҳаракатнинг Канада бўлими раҳбари Файратжонга ҳам Тогбой акани Канада бўйича раҳбар этиб тайинлашларини бир неча мартаба айтган эдик. Кеча мени ноҳақ ва асоссиз танқид қилиб, кўнглимни оғритган одам ҳақида ҳозирча айтмоқчи бўлган гапларим шулар. Эътибор қилган бўлсангиз, улар асосан яхши ва эҳтиромли фикрлардан иборат”.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Исмат Хушев ўзини “мухолифат аъзоси эмас, бир мустақил журналист” деб таништираркан, юқорида эътироф этгани фаолияти бир қатор саволларни туғдиради:

Биринчидан, қандай қилиб мухолиф бир ташкилотнинг мадҳияси, унинг бўлимларидаги раҳбарларини тайинлаш ва бошқа муҳим ташкилий ишларига аралашиб юрган шахс мухолифат аъзоси ҳисобланмайди? Бу фаолияти Хушевни Каримов наздида режим мухолифлари сафига киритмай иложи йўқ. Агар аксинча деб талкин этсак, Хушевнинг аҳволи яна-да аянчли – у мухолифат ичида махсус топшириқ билан фаолият юритаётган шахсга айланади. Учунчи вариант ҳам бор – ҳеч қандай мақсадсиз, шунчаки бекорчиликдан аралашиб юриш – биз бу вариантни Хушевга нисбат қилишни жиддий санамаймиз.

Иккинчи пайдо бўлган савол, Хушев мустақил журналист ўлароқ журналистиканинг оддий қодаларидан қанчалик хабардор? Масалан, ЎХХ сайтида чоп этилган ва Хушев кўчириб босган шеъри “Исмат Хушевга” дейилмаган. Буни Исмат Хушев кўчириб босаркан, ўзи “қўшиб ёзган”. Эҳтимол, инсон бирор шеърни ўқиб, унда ўз аксини кўргач, шеърни ўзи ҳақида ёзилган дейишга ҳақки бордир. Бунга бизнинг эътирозимиз йўқ. Аммо бунда бошқа сайтни ноҳақ айблаб чиқиш – мантикий жумбоқдир.

Учинчидан, шеър борасида эътироз-



Исмат Хушев

лар бор экан, журналистика ва сўз эркинлиги тамоилларига риюя этиш мумкин эди-ку! Марҳамат, муаллиф аноним эмас, Хушев шахсан таниган шахс. Демократик дунёвий жамиятда бундай масалалар қандай ҳал этилади, жаноб Хушев, хабарингиз бордир? Бирор жойда ҳақ-ҳуқуқингиз поймол этилганини кўрган бўлсангиз, ва бу даъвоингизда ҳақ бўлсангиз, бемалол суд идораларига мурожаат этишингиз мумкин. Аммо, менимча, судда ютқазингиз турган гап, чунки шеърни бузиб кўчирган ҳам, уни Исмат Хушевга атаб олган ҳам ўзингиз, ва ЎХХни айблашда ноҳақсиз.

М.Солиҳ ва И.Хушев шахсий ёзишмалари

Исмат Хушевнинг ЎХХ раиси Муҳаммад Солиҳ билан ўзаро мулоқоти борлигидан хабарим бор эди. Шунинг учун, бу тўғрида ЎХХ лидерининг фикрини сўрадим, у ҳам бунга хайратланганини ва бу гапларни Хушев билан скайп орқали гаплашганини айтди. Мен Солиҳ акадан Хушев билан бўлган ўша скайп суҳбатини беришни илтимос қилдим, Хушев қўйган хабарнинг дезинформация эканини исбот қилиш учун зарурлигини тушунтирдим. Солиҳ ака суҳбат матнини жўнатди. Бу ёзишмалардан шу нарса ҳам маълум бўлдики, келишилган гап бир четда қолиб, Хушев амалда бутунлай тескарасини қилган экан: Муҳаммад Солиҳ Хушевга “агар бу шеър сизга ҳақорат бўлса, уни олиб ташлаймиз” деса, Хушев, “олиб ташламангиз, унга жавоб ёзаман” деб шеърни колдиришларини сўраган. Кейин эса, орадан бир муддат ўтиб (12.07.2012) Хушев ўз сайтида шундай ёзган:

“Биз бугун шеър муаллифи (Т.Абдураззоқ) ҳақида эмас, балки бу шеърни чоп этган дўстларимиз ва уни чоп этишдан олдин албатта, руҳсатини олган Муҳаммад Солиҳ жаноблари ҳақида, у кишининг тутган бу хато ва бемаъни, айтиш мумкинки, ўта қулгили ва аянчли йўли ҳақида ўзимизнинг баъзи дўстона мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз, ҳолос”.

(dunyouzbeklari.com)

(Давоми кейинги бетда)

“ЭРКИН ЮРТ” МУҲАРРИРИДАН “ДУНЁ ЎЗБЕКЛАРИ” МУҲАРРИРИГА

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Шу ўринда яна саволлар туғилади: Нима учун Хушев шеърни олдириб ташлашга рози бўлмай, унга жавоб ёзишга эҳтиёж сезди?

Ва айбловни ҳам шеър муаллифига эмас, ЎХХ сайти ва унинг лидерига қаратди?

Хушев журналистиканинг оддий қоидаларидан хабардор журналист ўларок, сайтга ҳар бир шеърни чоп этиш учун шахсан ташкилот раҳбарининг рухсати сўралмаслигини билиши керак эмасмиди?

Энди, Хушев эътиборига ЎХХ сайти ходими ўларок баъзи оддий нарсаларни эслатиб ўтмоқчиман: Сайтнинг ҳар бир саҳифаси остида таҳририят номидан аниқ қилиб ёзиб қўйилган: “Имзоли мақолалар Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий кўзкарашини ифода этмайди, ва улардаги фактлар учун муаллиф масъул”.

Шунинг учун, биринчидан, шеър остида Тоғбой Абдураззоқ имзоси турган бўлса, демакки бу шеър учун фақат Тоғбой Абдураззоқ масъул, дегани. Иккинчидан, кимга аталгани ёзилмаган шеър бошқа сайтга

“кўчиб ўтиши” билан жаноб Хушевга ағалиб қолган бўлса, эътирозлар ўша янги сайтга билдирилиши ўринлироқ ва мантиқлироқ бўлади. Бошқа тарафдан, биз шу ўринда жаноб Хушевга turkiston.tv радиоси журналисти Улуғбек Ҳайдаровнинг ибратли мисолидан сабоқ олишни тавсия этамиз. Айнан ЎХХ Қурултойи куни У.Ҳайдаров шаъни таҳқирловчи мақола “Янгидунё” сайтида чоп этилганди. Улуғбек ака биз билан радиосуҳбатда мақола муаллифини судга бермоқчи эканини айтди. “Мақолани чоп этган нашрни ҳам судга берасизми?” деган саволимга, журналист “Йўқ. Муаллиф аниқ, менга таниш бўлган шахс, шунинг учун сайтни айблаш журналистикага зид келади” деган эди. Исмаил Хушев шундай ёзади:

“Кеча 10 июл куни биз “Замондош” сайтидан Исмаил Дадажоновнинг мақоласини кўчириб босган эдик. Мақола кўчириб босилганидан бир неча дақиқа ўтар ўтмас дўстларимиз Европадан телефон қилиб, “Ўзбекистон Халқ Ҳаракати” сайтида бизга бағишланган шеър эълон

қилинганини айтиб қолишди”. Холбуки, “Огоҳ бўлинг” шеъри, Хушев сайтида “Туш” мақоласи чоп этилишидан олдин, 10 июль эрталаб юкланган. Модомики Хушевнинг дўстлари бир неча дақиқа ўтар-ўтмас Европадан телефон қилишган бўлса, бир нарсани фахмлаши керак эди-ки, муаллиф Тоғбой Абдураззоқ Канадада истикомат қилади. Шеър чоп этилган соатда Канадада ярим кечаси бўлади. Бундан чикди, Тоғбой ака ярим кечаси ўта тезкор бир тарзда шеър битиб, жавоб тайёрлаган эканлар-да. Бу ҳам биз учун “Дунё Ўзбеклари”даги мантикий жумбок.

Хуллас, кўриб турганингиздек, ЎХХга қарши бутун арсенални ишга солиб уруш бошланган. Бу мақсадда ҳам Ватан ичкарасидаги, ҳам ташқаридаги хизматчилар сафарбар этилган. И.Хушев шахсига келсак, унинг, баъзилар айтганидек, МХХ агенти эканлиги ҳақида далилимиз йўқ. Лекин “Дунё ўзбеклари”нинг соғлом мантиқ доирасига сиғмаётган баъзи ҳатти-ҳаракатлари, у ҳақда бизда ижобий фикрлар уйғотди, дейишга ҳам имкон бермайди.

Камолиддин Йўлдош
“Эркин Юрт” газетаси масъул муҳаррири

“НАЖОТ” ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ҲАЙИТБОЙ ЁҚУБОВ ЖАРИМАГА ТОРТИЛГАН

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг 2-қурултойида иштирок этган “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилоти раиси Ҳайитбой Ёқубов жаримага тортилган. Мухолифатдаги “Эрк” демократик партияси Бош котиби Отаназар Ориповнинг билдиришича, бу ҳақда Ҳайитбой Ёқубовнинг ўзи телефон орқали маълум қилган. “Ҳайитбой 3 июл куни борди Хивага... Кейин 6-7 числоларда телефон қилди. “Суд бўлди, менга энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда жарима солди. Лекин, тазйиқ ҳали ҳам тўхтагани йўқ. Ҳозир телефонларим ҳам ишламайди, алоқа йўқ, узилган”, деб айтди”, дейди Отаназар Орипов. Унга кўра, Ҳайитбой Ёқубов тез орада Тошкентга бориши ҳақида ҳам билдирган. “Ўзим бораман, телефонсиз бораман”, деди. Шунинг учун ҳозир мен уни кутяпман”, дейди “Эрк” партияси Бош котиби. Аммо, Ҳайитбой Ёқубовнинг қайси асосларда жаримага тортилгани маълум эмас. Унинг ўзи телефон суҳбати пайти бу ҳақда маълум қилмаган. Аммо, “Эрк” партияси Бош котиби



ҲАЙИТБОЙ ЁҚУБОВ

Отаназар Орипов мазкур ҳолни Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг Прагада ўтган йиғини билан боғлайди. “Албатта, шундан кейин бўлган ходиса бу. Лекин, у Прагада юрган пайти уйига келиб, “Нажот” ноқонуний ишлар қияпти”, деб айтишган экан”, дейди Отаназар Орипов. “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилоти раиси Ҳайитбой Ёқубов Ўзбекистон Халқ Ҳаракати қурултойига Ўзбекистондан бориб қатнашган 4 кишининг бири бўлган. Отаназар Орипов ўзларининг Ўзбекистон чиқишлари ва қайтиб киришларида ҳеч қандай муаммо кузатилмаганини айтади.

“4 киши жуда эҳтиёткорлик билан чиқиб кетдик. Унда ҳеч нима бўлгани йўқ. Қайтишда ҳам яхши келдик бирга”, дейди у. Отаназар Орипов ҳозиргача йиғин иштирокчиларидан бошқа кимга нисбатан босим кўрсатилмаганини айтади.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Прага йиғини чоғи Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳукуматига қарши кураш режасини ишлаб чиқилганини маълум қилганди. Режа етти банддан иборат экани, унда ЎХХни Ўзбекистон халқига танитиш ҳаракатларини “янада кенгайтириш”дан тортиб Каримов ҳукуматининг “даъфатан йиқилишига ва ҳатто бунинг оқибатида келиб чиқадиган катта хаос эҳтимолига тайёр туриш” зарурати қайд этилган. Бандларда, шунингдек, “талабалар ва армиядаги аскар ёшлар ўртасида ташвиқотни ошириш” лозимлиги таъкидланган. Асосан хорижда яшаётган мухолифатнинг бир неча гуруҳини ўзида бирлаштирган ЎХХ ўтган йил Берлинда таъсис этилган эди.

ИСЛОМ КАРИМОВ КХШТГА: “МЕНИ КУТГИЛ ВА МЕН ҚАЙТАРМАН”....МИ?



Ўзбекистон Коллектив Хавфсизлик шартномаси ташкилотидagi фаолиятини тўхтатди. Каримовни бу қарорга келтирган омиллар, ҳозирда Россия ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги етакчи сиёсий таҳлилчилар ҳамда журналистлар учун қизиқарли мавзуга айланган.

Айниқса тоталитар Россиянинг сиёсий таҳлилчилари диктатор Ислом Каримовнинг бу қадамни баҳолашдан чарчашмаяпти. Уларнинг аксариятининг фикрича, Каримов АҚШ ва НАТО мулозимларининг ишончига яна қайтадан қирмоқчи ва шунинг учун КХШТдаги аъзолигини тўхтатди.

Эйтиборингизга ҳавола қилаётганимиз, Россиянинг “Голос России” радиоси дастурдан олинган. Бу радиодастурда, бошловчи Михаил Шейнкман ва “Независимое военное обозрение” газетасининг масъул муҳарири Виктор Литовкин Ислом Каримов ва КХШТ ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикрлашадилар.

Радиодастур ўзбек тилига эркин таржима қилинган.

Ўзбекистон КХШТдаги аъзолигини тўхтатди
Студияда шарҳловчи Михаил Шейнкман.

Ўзбекистоннинг КХШТдаги (Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти) фаолиятини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорини тиниқ осмонда ногоҳон чакнаган чакмоқ деб аташ, анчагина муболағалидек. Тошкент ҳар доим ҳам КХШТдан чиқиб кетишга ҳозир бўлиб турган, у ўзининг бу ташкилотдаги иштирокидан фахрланмаган ва фойда ҳам келтирмаган. Амикроғи у КХШТда савдолашиш мақсадида аъзоликда тургандек эди. Каримов ташкилотни бутунлай тарк этмасдан, аъзолигини тўхтатиб туриши, унинг руҳиятига мос нарса. ЕврАзЭсни ташлаб чиққанида ҳам шу йўлни тутган эди. Бир қарашда бу норозилик актидек кўринсада, “Биз билан бирга бўлмаганлар, бизнинг душманларимиз”, деб ўйламаслигимиз учун ортга қайтиш маневрига ишора ҳам бордек кўринади....

Аслида уни ўз мажбуриятларини ба-

жармаганлиги, ташкилот йиғинлари ва машғулотларида қатнашмагани учун аллақачон ҳайдаб солиш керак эди. У ташкилот шартномасининг фақат бир бандига оғишмай роя қиларди, яъни, аъзоларнинг сўзсиз консенсусига. Шунинг учун у ўзининг ўзгача фикрлари билан КХШТ ривожини жиловлаб, аллақачон ғарбга ишлаётгандек бўлиб кўринарди. Шунини айтиш лозимки, Каримов Коллектив тезкор ҳаракат кучлари тузиш бўйича бошланган ҳаракатга ҳам қўшилмаган эди. Ўзбекистон, одатдагидек, КХШТнинг барча қўшма машғулотларини инкор қилиб келди, икки ҳафта олдин эса, Тожикистонга ҳарбий машғулотлар ўтказиш учун йўл олган альянс қолоннасини ўз ҳудудида киритмади. Ўшанда ҳамма нарса аниқ бўлганди. Каримов биронта блок ёки умумий армия ғояларига қўшилмаслиги барчага аён эди.

Шундай вақтлар бўлдики, ҳарбийча қаттиққўллик тарафдори бўлган Александр Лукашенко ҳар қандай илтифотларни йиғиштириб қўйиб, Ўзбекистонга эшик кўрсатди. Шунинг учун Тошкентнинг ташкилотдан чиқиши қўрилмаган ҳолат эмас эди. Бунинг устига, бу унинг биринчи қайсарлиги эмас. Ўзбекистон ҳаттоки, Вашингтон томонидан шоша-пиша ҳозирланган антироссия ташкилоти бўлган ГУУАМга яна битта “У” сифатида қўшилиб олганди.

Намойишчилар ўққа тутилган Андижон воқеалари Каримовнинг ғарб билан дон олишувга чек қўйди. Ахборот учун шунини айтиш лозимки, таҳлилчиларнинг қўпчилиги, ўтмишда қолган ҳиссётли туйғуларни қайтариш учун Тошкент мана шундай ғалати тана ҳаракатларини намоиш қиляпти деган фикрдалар. Бу нарсалар шундан далолатки, у Афғонистондан америкаликлар чиқиб кетгач, АҚШнинг суюкли мамлакатига айланиб қолишга тайёргарлик кўраёпти. Ҳарбий база, техникалар ва шунга яраша келадиган фойда олдида, нафақат Ўзбекистон, балки, унинг кўшнилари ҳам ҳар қандай хизматга тайёрлигини айтишяпти.

Эҳтимол, Каримов бундай қайсарлик қилишни истамагандир? У, КХШТни ҳам, ва НАТОни ҳам бир хил жиловда ушлаб турган Қирғизистон йўлини тутмоқчидир балки... Бироқ, КХШТ яқинда, ўзига аъзо мамлакатларнинг ҳудудида хорижий мамлакатларнинг ҳарбий базалари пайдо бўлишига доир муҳим бир қарор қабул қилган. Унга кўра, альянс аъзоларининг барчасини розилиги олингандагина, хориж ҳарбий базаси ушбу ҳудудларда очилиши мумкин. Тошкент бу қарор негизда, Ўзбекистон ҳудудида НАТО ҳарбий базаси ҳеч қачон очилмаслигини кўрди ва КХШТ сафидан чиқишга қарор берди.

Энди Каримовнинг қўл оёғи боғлиқ эмас. Демак у қўл панжаларини бемалол мушт қилиб, атрофидаги қўшниларига кўрсата олади. Унинг Тожикистон ва Қирғизистон билан чегара алоқаларидаги тарангликларининг ўзи доимийга айланди. Ўз ортида АҚШнинг қўллаб қувватлашини сезган Тошкент энди бутунлай эркалаб кетиши ҳам мумкин. Лекин ҳозирча таҳлилчилар вазиятнинг бу қадар тарангликка бормаслигини башорат қилишяпти.

Ўзбекистон билан ҳеч қачон разведкага бирга бориш мумкин бўлмаган, лекин шунга қарамадан, унинг бугунги намоишқорона одимларини хазм қилиш қийин. Ислом Каримов, Путиннинг президентликка қайтишини МХД етакчилари орасида биринчилардан бўлиб, энг баланд овозда ҳаяжон билан маъқуллаганди, биргаликда тоғларни қайриш ҳақида жар солганди. Энди эса, ўзи энг ҳаққоний ва тўғри деб атаган йўлдан қайрилиб кетди.

Айни пайтда эса у МХДларининг эркин савдо зонасига қўшилиш жараёнини бошлаб берувчи меморандумга имзо чекди.

Қўпчилик эҳтиёткорлик билан, энди Ўзбекистон яна қайтаёпти, деган ўйга борди. Шу ўринда яна савол пайдо бўлади: Каримов қачон тўғриси ўз бўлган ва у билан Путин ўртасидаги ишонч даражаси нақадар юқори? Агар Каримов Путинни ўз саройида қабул қиларкан, унинг олдида шунчаки ялтоқланса, бунақа шерикнинг кимга кераги бор? Каримовга Эркин савдо зонаси керакми, олсин. Унинг КХШТдаги иштироки барибир бефойда эди. Эркин савдо зонаси эса, ҳар қалай бу интеграция дегани.. Бу албатда тахминлар ҳолос. Бунинг устига, масаланинг муҳим бир жиҳати бор, яъни Ўзбекистон КХШТдан бутунлай кетмади, атғи аъзолигини тўхтатиб қўйди ҳолос. Аслида, ўзи аллақачон тўхтаб турган нарсани тўхтатиб қўйиш мумкинми?

(Давоми кейинги бетда)

ИСЛОМ КАРИМОВ КХШТГА: “МЕНИ КУТГИЛ ВА МЕН ҚАЙТАРМАН”....МИ?

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Мавзуни “Независимое военное обозрение” газетасининг масъул муҳарири Виктор Литовкин давом этдиради.

Шейнкман: Ўзбекистоннинг КХШТдан чикиб кетиши кимлар учун ёмон бўлди деб ўйлайсиз? Литовкин: Ўйлайманки, биринчи навбатда уларнинг ўзлари учун. Ўзбекистон канақадир ўзининг тушунарсиз ўйинларини бошлади. Балки у ўз худудиди НАТО ёки АҚШ базаларини жойлаштириб мана шу усул билан Кўшма штатларнинг режимга нисбатан хайрихоҳлигини оширишни ўйлашаётгандир, бироқ бу жиддий англашилмовчилик.

Ислон Каримов бу усулни қўллаб бўлган. Андижон воқеаларидан кейин АҚШ ва НАТО томонидан қандай

туртки олганини у унита олмайди. Шунингдек, Россия ва унинг КХШТ бўйича иттифоқчиларининг яхшилиги, Ўзбекистонда ўша пайтда бўлиши аниқ бўлган “зарғалдоқ инқилоби”дан ўзининг сақлаб қолганини ҳам у яхши эслайди. Бироқ у ҳозир КХШТни ичидаги канақадир келишмовчиликлар сабабли, гуёки АҚШ ва НАТОни ўз томонига тортиш мақсадида, яна ўзининг эски ўйинларини бошлади. Мен ўйлайманки, бу нотўғри сиёсат. Шейнкман: Ўзбекистоннинг КХШТдан чикиши, бу ташкилотнинг сиёсатига нақадар ўзгартиришлар олиб келади? Ва бу минус, Ўзбекистоннинг стратегик жараёнларни тўхтатиб турганини ҳисобга олсак, плюсга айланини ҳам мумкинми?

Литовкин: ҳарбий нуктаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистон ҳеч қачон КХШТ ишларида қатнашмаган. Бу мамлакат ташкилот ишига, ўзига фойдаси бор жиҳатлардагина бош қўшди. Масалан, имтиёзли нархларда қурол яроғ сотиб олиш каби масалаларда. КХШТ ва бошқа аъзо мамлакатлар учун нимадир қилиш вақти келганида эса расмий Тошкентни топа олмай қоласиз. Шунинг учун мен, Ўзбекистоннинг КХШТдан чикиши альянснинг ҳарбий салоҳиятини сусайтиради дея олмайман. Бундан келадиган ягона маънавий зарар шуки, ташкилотнинг иттифоқчиси саналган бир давлат ўз аъзолигини мана шундай намойишкорона, тўрт томонга жар солиб тўхтатиб қўйиши холос...

**Журналист
Улуғбек Ҳайдаров
ўзбекчалаштирди.**

Ўзбекистон ҳукумати амалдолари ёшларимизнинг билимли ва доно бўлишидан манфаатдор эмас! Чунки, амалдаги ҳукуматнинг мутассади ходимлари, ёшларимизнинг саводсиз бўлиши учун, бунчалик даражада ҳаракат қилишмас эдилар!!!

1. Болаларни ноқунуний равишда пахтага эксплуатация қилишмас эди.
2. Талабалар билимига қараб эмас, пулига қараб баҳо оладиган бўлди.
3. Шартнома (контракт) тўловларининг ҳаддан зиёд оширилиши.
4. Баҳоларнинг атайин пастлаб

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, мустақиллик йўлини эмас балки, бюрократик йўлни танлади деб аташга тўла асосимиз бор! Мустақилликнинг илк йилларида, халқимиз озгина бўлса ҳам, эркин фикрга ва очиқ матбуотга эга эди! Лекин афсуски, қонли Андижон воқеаларидан сўнг, 4-ҳокимият цензура остида қолиб кетди. Ҳозирги кунда ёшларимиз, сиёсатга аралашадан қўрқиб қолди! (Бунга сабаб эса, эркин фикрли талаба ёшлар устидан назорат жорий қилинганлиги мисол бўла олади.) Қишлоқ худудиди истиқомат қилаётган ёшларимиз умрининг яр-

ҳунар коллеж ўқучиларига) топширилади. Ачинарлиси, мактаб ўқувчилар ўз ҳисобларидан мактаб таъмири учун пул тўлашсада, ендигини таъмирланиб ўқувчилар кутишга тайёр бўлган хоналар, пахта йиғимида келган талабаларга топширилади. 2-сабаб эса болалар энг арзон ишчи кучи ҳисобланади! Ҳозирги кунда талабаларнинг деярли кўп қисми, асосан 5 ва 4 билан сессияни (семестр) ёпайдиганлар пора бермагунча ҳаттоки 1 та фанини қасддан равишда 3 лик қилиб қўйишади. Оддий мисол сифатида, ҳуқуқшунослик фанини 5 га ёлган

БИЛАГИ ЗЎР БИРНИ , БИЛИМИ ЗЎР МИНГНИ ЙИҚАР!

қўйилиши (Олийгоҳ бюджетига зарар етказмаслик учун) Япония давлати болалар тарбияси ва боғчалардаги аҳволни яхшилаш учун, 30 йилини сарфлади. Ўзбекистонда эса, боғчалардаги нарх ва ойлик маош ўртасидаги тафовут туфайли, боғчаларимиз ҳовуллаб қолган! Қишлоқ худудларидаги барча боғчалар эса сотилди. Мактаб, коллеж ва литцейлардаги аҳвол ҳам, талаб даражасида эмас. Эндиликда олий ўқув юртига ўқишга кирган талабаларнинг асосий муаммоси, порахўрлик, контракт ва уй-жой масаласи. Яқинда қабул қилинган “Талабаларнинг одоб-ахлоқ меъёрлари” тўғрисидаги қонунга мувофиқ, (Ўқув юртидаги муаммони оммага ошкор этмаслик зарур!) Бу муаммо порахўрлик тўғрисида бўлса ҳамми? Талабаларнинг компютерида зарарли ахборотлар бўлмаслиги зарур экан!



мидан кўпини далада ўтказишади! Бунга 1-сабаб сифатида, шаҳар институт, университет ва коллежларидан пахта сафарбарлигига жалб қилинган талабаларнинг жой билан таъминлаш масаласида муаммо бўлганлиги сабабли, мактаблар вақтинчалик уларга берилди. Асосан юқори синфлар (одатда 7 -9 синфларга тегишли бўлган ўқув хоналари ва спорт зал) четдан, хусусан шаҳардан келган ҳашарчиларга (олий ўқув юрти талабалари ва ўрта махсус касб-

талаба конститутсиядан 3 олса! Ҳозирги кунда олий ўқув юртида таҳсил оладиган талабалар контракт тўлови сабабли жуда кўп қийналишмоқда! Ҳукуматнинг олий ўқув юртларидаги ўқув тизимини сиртқиға (очнийға) айлантиргандан сўнг, талабалар аҳволи оғирлашди. Боз устига контракт тўлов харажатларининг ошиши, талаба ва оналар учун анча қийинчиликлар туғдирмоқда! Талабалар баҳоси атайин пастлаб кўйилмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида эса, ўқув юрти бюджетига зарар етказмаслик экан! Ҳозирги кунда талабалардан бири (ўз номи сир қолишини хоҳлади) иқтисодий қийинчилик сабабли ҳаттоки раққосалик (аниқ факт) билан шуғулланишга мажбур бўлаётганини айтиб ўтди. Лекин баъзи қиздар танасини сотиш орқали ҳам пул топмоқда! Бундай қийинчилик даврида қизлар, осон пул топиш йўлини топан қўринадил!
Муслимбек

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ЗАРАРИДАН БАҲС ЭТИЛМОҚДА



Ўзбекистон давлат телеканалларидан бири Facebook, Одноклассники ва бошқа шу каби ижтимоий тармоқлар ўзбек ёшларининг онгини заҳарлаётганини иддао қилиб, улар фаолиятини қоралаб чиқди.

Бу ҳақда Франс Пресс агентлиги хабар қилади. Маълумотларга кўра, 9 июл окшомида Ўзбекистоннинг “Ёшлар” телеканалда хужжатли филм намойиш қилиниб, унда ижтимоий тармоқлар ядро бомбасига менгзалган, бу тармоқлар душман кўлидаги “қурол”га айлангани таъкидланган. “Ҳозирги пайтда ижтимоий тармоқлар сўнгги йиллар мобайнида содир бўлган барча рангли инқилобларда ташки кучлар учун қуролга айлангани сир эмас”, дейлади жумладан “Ёшлар”да намойиш қилинган хужжатли филмда. Унда филм баёнчиси пулемёт ва ядро қуролини тарихга айлантирган интернет келажак қуроли бўлиб ҳисобланишини урғулайди ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар тобора кўпроқ ўзбек ёшлари онгини заҳарлаётганидан огоҳлантиради. Ўзбекистонда Facebook тармоғининг 130 минг, Одноклассники тармоғининг 2 миллиондан зиёд фойдаланувчиси борлиги қайд этилган филмда мазкур ресурсларда жойлаштирилган шахвоний расмлар ҳам намойиш қилинган. Филмда сўзлаган “Маънавият ва маърифат маркази” эксперти ижтимоий тармоқдаги блогерни террорчи билан қиёслади.

“Агар террорчи ўқотар қурол ва бомбадан фойдаланган ҳолда одам ўлдирадиган бўлса, интернетдан фойдаланувчиларни пировардида “ширин сўзлар” билан ўлдирадидилар. Бунақа оммавий маданият давлатимиз сиёсати ва мустақиллигимиз учун бевосита

хавф туғдиради”, дейди “Маънавият ва маърифат маркази” эксперти. Кузатувчиларга кўра, хориждаги ижтимоий тармоқлардан ўзбек муҳолифати ва ҳуқуқ ҳимоячилари фаол фойдаланмоқдалар, бу эса расмий Тошкентни ташвишлантirmай кўймайди.

Филмдаги бошқа бир экспертнинг “якин қариндошларимиз ҳам Facebookнинг фаол фойдаланувчиси бўлиши мумкин... бу эса хавф ҳар биримиздан узокда эмаслигини англатади” деган сўзларини ҳам бу хавотирнинг инъикоси сифатида қабул қилиш мумкин. Дунёга машҳур бўлган ижтимоий тармоқлар зарари ҳақидаги огоҳлантирувлар ва улар фаолиятини турли йўллар билан чеклашга уриниш, янги медиа бўйича эксперт Тўлқин Умаралиев фикрича, Ғарбона демократияни хушламайдиган мамлакатлар расмийлари томонидан амалга оширилмоқда.

- Ижтимоий тармоқлар ва умуман, интернетга нисбатан чеклов жорий қилинаётган мамлакатлардаги режимлар, эътибор қилган бўлсангиз, халқаро ҳамжамият томонидан нодемократик, айримлари эса диктаторлик устивор бўлган режим ўлароқ эътироф этилган. Бундай мамлакатлар расмийлари битта тугма босиш билан бутун дунёга маълумот тарқатиб юбориш мумкин бўлган интернет тармоғига одатда душманона назар билан қарайдилар, чунки уларнинг дунё ва ўз мамлақати аҳолисида яширмоқчи бўлган маълумотлари кўп. Ўз цензорлигини эса улар глобал тармоқда ёшлар онги учун зарарли бўлган материаллар кўплиги

билан изоҳламоқчи бўладилар, – дейди Тўлқин Умаралиев.

Одатда маҳаллий провайдерлар фаолиятини тўла назорат қиладиган бундай режим мулозимлари (шу жумладан, махсус хизмат вакиллари) мамлакат фуқароларини ўз таъсирида тутиб туриш учун уларга “маҳаллий ресурслар”дан фойдаланишни, фойдаланганда ҳам ўз исм-шарифи ва шахсий маълумотларини тўғри кўрсатган ҳолда истеъфода этишни тавсия қиладилар. Бундан ўзбек расмийлари ҳам мустасно эмас. Душанба куни “Ёшлар” телеканалда намойиш қилинган хужжатли филмда ёшлар Facebook тармоғининг ўзбекча версияси ҳисобланмиш Muloqot.uz ва Одноклассники тармоғининг “ўринбосар”и бўлган Sinfdoosh.uz тармоқларидан фойдаланиш тавсия қилинган. Аини пайтда филмда Ўзбекистон ижтимоий тармоқларига шу кунда жозибадорлик, интерактивлик ва хабарлар етишмаётгани эътироф этилган. Ўтган йилдан ўз фаолиятини бошлаган Muloqot.uz тармоғининг ҳозирда 22000 минг фойдаланувчиси бор. Мазкур тармоқда аноним шахс ўлароқ рўйхатдан ўтиш мумкин бўлмагани туфайли интернет фойдаланувчилари танқидига урчаганди.

Аини пайтда бу Ўзбекистонда ёшларни зарарли маълумотлардан қўриш бўйича амалга оширилаётган илк уриниш эмас. Ўзбек расмийлари глобал тармоқда миллий чегара ўрнатишга уринаётгани ҳақида Озодлик аввал ҳам хабар қилган.

Чегара билмас мухбирлар ташкилоти 2012 йилги Интернет душманлари рўйхатига 12 давлатни киритган ва бу давлатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Ташкилотга кўра, ўтган бир йил давомида Ўзбекистон ҳукумати Интернетдаги мустақил ва муҳолиф саҳифаларни тўсишда аввалги йиллардан ҳам фаоллашган. Бунинг оқибатида йил давомида ҳатто 2011 йилга қадар тўсиқсиз келган Regnum ва Lenta.ru каби Россия, AP, Reuters ва AFP каби айрим халқаро ахборот агентликлари саҳифалари ҳам тўсиб қўйилган.

Сиёсат бошқарув, яъни давлатни бошқариш ишидир (санъатидир), дейилади. Албатта, бу сиёсатнинг ягона таърифи ҳисобланмайди. Интернет энциклопедияси ҳисобланган Викапедиянинг русча бўлимига кириб, “Политика” ёзсангиз сиёсатнинг ўнларча таърифни топасиз... Сиёсат тоғдаги тор сўқокда юришдир менинг назаримда. Бу сўқокнинг ўнг тарафида адолатнинг улкан чўққилари, чап тарафида эса зулмнинг даҳшатли чуқури (асфолософилин дейиш ҳам мумкин) бор. Сиёсатчи мана шу сўқокдан юришга бел боғлаган кишидир. Бу сўқокда кимгадир адолат чўққисига тирманиш, бошқа бировларга эса зулм чуқурига кулаб кетиш “насиб” бўлади... Сиёсат бир касбми, деган саволга албатта, дея жавоб бериш мумкин. Чунки сиёсат бошқа меҳнат соҳалари каби кундалик ишдир. Дунёда икки касб борки, уларда иш вақти 8 соат билан чегараланмай-

ди, бу касбларда дам олиш кунлари бошқаларники каби тўлиқ маънода дам олиш вақти ҳам ҳисобланмайди. Улардан бири жароҳлик бўлса, иккинчиси сиёсатдир. Бир жароҳ ўзи амалиёт (операция) қилган беморнинг такдирини кечаси билан ўйлаб чиқади. Бир сиёсатчи ҳам олган қарорининг натижасини кеча кундуз демай ўйлашга мажбурдир... Сиёсатчи бўлиш учун махсус илм олишга эҳтиёж борми? Бор албатта, аммо бу мутлақ шарт ҳам эмас бу ишда. Чунки отаси подшоҳ бўлган фарзанд туғилиши билан сиёсатчи (шоҳзода) унвонини олади. Бу ҳақда Захриддин Бобур шундай дейди: 12 ёшимда Фарғонада подшоҳ бўлдим. Замонамиздаги давлатлардан бири ўтган асрнинг бошларида яшаган подшоҳнинг ўғиллари тарафидан бошқарилади. Айтишларича бу подшоҳнинг қирқ фарзанди бор экан. Табиийки, ўғил фарзандларнинг барчаси туғма сиёсатчилардир. Улардан баъзилари подшоҳлик, бошқалари вазирлик ёки амирлик мартабаларига кўтарилган... Асл касби иқтисодчи (диктатор Каримов), врач (иккинчи Туркманбоши Бердимухаммадов), кино санъатчиси (АҚШнинг собиқ президенти Рейген), ҳарбий (собиқ диктаторлар Пиночет, Қаддафий), драматург (Ярослав Хавел), шоир (Мухаммад Солих) ва умуман турли соҳа мансублари бемалол сиёсатчи бўлишлари мумкин. Бундай ҳолларда сиёсат эракнинг иккинчи хотинига ўхшаб кетади. Яъни, “эрни ер қиладиган ёки қора ер қиладиган хотинга” ўхшайди сиёсат... Агар менга ёшлар бизга сиёсатчи бўлишни тавсия қиласизми, дея сўрасалар, марҳамат сиёсатчи бўлинг, аммо бу ишнинг охирида ё ҳақиқий эр ёки қора ер бўлишингизни ҳам билиб кўйинг, дея жавоб берган бўлардим. Чунки сиёсат билан ҳамма, эракми, аёлми, имонлими, имонсизми, ақлими, телба тескарими, хуллас ҳамма шуғулланиб келган ва ҳозирда

хам шуғулланмоқдадир. Мана шундай ажойиб ва гаройиб фаолият майдонидур сиёсат... Сиёсат бошқарув, хусусан давлатни бошқариш ишидир (санъатидир), дедик. У ҳолда давлат нима, деган кўшимча савол туғилади. Сиёсатнинг минг таърифи бўлса (бу муболағадир), шубҳасиз давлатнинг ўн минг таърифи бордир. Масаланинг жиддийлашиб бораётганини сездингиз, албатта. Чунки сиёсат олма пиш, оғзимга туш қабилдаги иш эмас. Олдин шу давлат курмагурни бир устоздан эшитганим масал билан тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрай: Бир бор экан, бир йўқ экан, бир бечора камбабал йигит бўлган экан. У бечора шу қадар фақир эканки, баъзан кунлар давомида егани таом топа олмас экан. Очликдан суяги терисига ёпишиб, кўз ўнги қоронғулашган ҳолда кўчаларда дайдиб юрар экан. Бир кун шундай очлик сармастлиги билан кетаётганда

СИЁСАТ ҲАҚИДА ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

кўча чеккасида ўтирган соҳибжамол кизга кўзи тушиб қолибди. Хира шира кўраётган кўзларига ишонмабди бечора фақир йигит. Чунки соҳибжамол борча соҳибжамолларни орқада қолдириб кетадиган гўзалликда экан. Бунинг устига бармоғу билаклари, гардани тўла олтин тақинчоқ экан. Бечора фақир йигит очликдан жинни бўлдим шекилли, дея ўйлабди. Кўзларини ишқалаб, соҳибжамолга термулибди. Аммо яна кўзларига ишонмай, йўлида давом этмоқчи бўлибди:

-Менга қаранг, эй йигит, дебди унга соҳибжамол.

-Менга гапирдингизми?

-Ҳа, сиз менга тикилиб қарадингиз, шунинг учун ҳам менга уйланишингиз сизга вожиб бўлди... Бечора фақир йигит соҳибжамолнинг бу сўзларидан хушидан кетиш даражасига келибди. Энди жинни бўлганига тўлиқ амин бўлибди. Аммо туғёнга келган нафси унинг кўзларини мошдек очибди. Қараса, қаршисида ҳақиқатан ҳам дунё гўзали бир киз ўтирган экан:

-Мен сизга қандай уйланаман?

Сиз ҳар ҳолда подшоҳнинг кизи бўлсангиз керак. Мен эса охириг марта бундан 3-4 кун олдин овқат еганман... Қизнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, мен бир бечора фақирман, дейишга унинг тили бормабди.

-Ҳечқиси йўқ, дебди бунга жавобан дунё гўзали киз. Менга уйлансангиз, эртагаёқ бой бадавлат бўласиз. Бу гапни айтар экан қизнинг қилган нозу жилваларидан унинг вужудига осилган олтин билағузук, сирга ва бошқа тақинчоқлар жиринглай бошлабди...

Фақир йигит энди тамоман жинни бўлибди. Ахир бошига анқо куши кўнганда ҳам бунчалик бўлмаган бўлардида. Энди нима қилсам, дея ўйлаб турса, соҳибжамолнинг ўзи унга макслаҳат берибди: -Бирор таниган бой-бадавлат кишингиз йўқми? Ундан менга берадиган маҳрингизни қарз олиб туринг. Менга уйланган-

нингиздан кейин, бойлигимиз умумий бўлади. Қарзингизни бемалол қайтариб берасиз... Бечора фақир шовшганидан кизга мени кутиб туринг ҳам демасдан, ўзи танийдиган бой-бадавлат кишининг ёнига югурибди. Унга воқеанинг тушунтириб, озгина қарз сўрабди. Бой-бадавлат одам: -Майли, дебди. Сўзларинг рост бўлса сенга қарз бераман. Шунинг учун аввал бориб у соҳибжамолни ўз кўзларим билан бир кўрай... Шу тарзда икковлон дунё гўзалининг ёнига келишибди. Бой-бадавлат одам қизни кўриши билан унга ошиқ бўлиб, бечора фақирнинг юзига тарсаки тортиб юборибди: -Сен ким бўлсан менинг ёнимда. Бу соҳибжамол сенинг каби фақир учун эмас, менинг каби бадавлат одам учун яратилгандир... Аммо камбағал йигит бошига қўнган хумо кушидан айрилиш нияти бўлмагани учун бадавлат одамнинг ёкасига ёпишибди. Шу ҳолда улар

роса дўппослашибди. Орага яна соҳибжамол кирибди: -Сизлар бу масалани ўзларингиз ҳал қила олмай-сизлар. Бориб миршаббошини олиб келингизлар. У қандай қарор қилса, ҳаммамиз шунга амал қиламиз... Бечора фақир ва бадавлат инсон яна йўлга тушибди. Миршабхонага бориб бўлган воқеани миршаббошига хикоя қилибдилар. Миршаббоши воқеа жойига келиб қарор беришга бел боғлабди. Шу шаклда учовлон дунё гўзали ўтирган маконга келишибди. Соҳибжамолни кўрган миршаббошининг хушидан кетишига оз қолибди. Ва у фақир йигитга ва бадавлат одамга қарата шундай ўшқирибди: -Эй, сиз ахмоқлар! Қани бу ердан жуфтакни ростланглар! Бу ерда қонун менман. Шунинг учун ҳам бу нозанинга уйланиш менинг ҳаққимдир... Шундай дея, миршаббоши қиличини кинидан чиқарибди. Шу шаклда фақир йигит, бадавлат инсон ва миршаббоши орасида соҳибжамолга ким уйланиши масаласида яна жанжал чиқибди. Аммо жанжал билан бу иш ҳал бўлмабди. Шунда дунё гўзали ўрнидан туриб, куёвликка номзодларга шундай дебди: -Сизлар бу масалани бу шаклда ҳал қила олмай-сизлар. Менинг таклифим шу: ҳозир мен кўчада югуришга бошлайман. Ким мени биринчи бўлиб ушласа, мен ўшанга турмушга чиқаман. Бу сўзни айтар айтмас, соҳибжамол шамол тезлигига югура бошлабди. Куёвликка номзод уч бечора унинг орқасидан ҳаллослаб юришибди. Улар қанчалик ҳаракат қилишмасин, соҳибжамол улардан узоклашиб кетаверибди. Орадаги масофа овоз аранг етадиган жойга келганда киз орқага бурилиб, ўзини қувалаётганларга шундай савол берибди: -Менинг исмим нима, биласизларми? -Йўқ, билмаймиз... -Исми Давлатой... Шу шаклда дунё соҳибжамолни кўздан ғойиб бўлган экан...

(Давоми бор)

Намоз Нормўмин

ОБИДХОН ҚОРИГА СУИҚАСД БЎЙИЧА 12 ИЮЛЬ КУНИ МАҲКАМА ЖАРАЁНИ БОШЛАДИ



Биринчи маҳкама йиғилиши жорий йилнинг 12 июль куни соат 09:00да Остерсунд шаҳар маҳкамаси (Östersunds tingsrätt)да бўлиб ўтади. (Манзил: Storgatan 6, 831 30 Östersund). Маҳкама жараёнининг 13, 16 ва 17 июль кунлари ҳам давом этиши кутиляпти.

“Ислом овози” таҳририяти қори акага яқин бўлган ва у кишини таниган барча инсонларнинг мана шу маҳкама жараёнида қатнашишларини илтимос қилади. Бу иш бизнинг мазкур жараёнга нисбатан бефарқ эмаслигимизни кўрсатади. Қолаверса, қори акага бўлган ҳурमतимиз ҳамда устоз олдидаги вазифамиз ҳам шунини тақозо қилади. Ўйлаймизки, маҳкамада муслмонларнинг фаол иштирок этишлари жиноятчиларнинг муносиб жазо олишларига сабаб бўлади

ИМОМ СУИҚАСДИ БУГУН СУДДА: “ҲАММА БУ ГУМОНЛАНУВЧИ ЭР-ХОТИННИ КЎРМОҚЧИ”

Стромсундда амалга оширилган суиқасдга кўмаклашган гумонланувчилар иш юзасидан бугун суд жараёни бошланди. Отиб кетилган имомнинг қўшниси Даниел Эгамбердиссон ҳам кўпгина ўзбеклар қатори бу суда қатнашмоқда.

“Ўзбекларнинг ҳаммаси судда қатнашиши жуда муҳим”, – дейди Даниел Эгамбердиссон. - “Бу ердаги кўпгина ватандошлар бу судда қатнашиш учун келганлар ва бу биз учун жуда ҳам муҳим”, – дейди у.

Шу йилнинг февраль ойида Ўзбекистондан келган бир аёл ва бир эркак Стромсундда яшовчи иммом Обид қори Назаровга суиқасд қилган кишига ёрдам берганликда гумон қилинмоқда. Бугун Остерсунд туман судида бу эрхотиннинг суди бошланди. Даниел Эгамбердиссонга кўра бу ўзбеклар учун муҳим бўлган воқеада

Стромсунд ва унинг атрофидаги маҳаллардан 200 дан ортиқ ўзбеклар суда қатнашишмоқда. “Назаров биз учун муҳим. У бизнинг устозимиз. Ҳамма бу гумонланувчи эр-хотинни кўриб кўзига қарамоқчи. Ҳамма уларнинг нима дейишини эшитишни истайди. Бундан ташқари Швециянинг бошқа минтакаларидан ҳам ўзбекларнинг Остерсунддаги судга келиши кутилмоқда”, – дейди у.

Суд жараёни тўрт кун давом этади ва 6 нафар гувоҳ суроқ қилинади. Тергов суриштурув маълумотлари бўйича бу 30 ёшидаги икки ўзбек (эр-хотин) суиқасдга тайёргарлик кўришда суиқасд ижросисига ёрдам берган. Уларнинг телефон кўнғироклари, кватанциялар, компьютер тизимида қолдирилган излари, банк маълумотлари ва бошқа даллилар ҳам суриштурув материалларида акс этилган. Аёл

биринчи галда Обидхон Назаровнинг адресини Интернет орқали қидириб топган. Кейин бу эр-хотин бир машинани ижарага олиб Стромсундга борган ва Назаровнинг одатларини ўргана бошлаган. Гумонланаётган эркак бир бор Обидхон қори Назаров имомлик қилган намозда иштирок этган. Намоздан сўнг улар бир-бирлари билан саломлашишган.

Жиноятчи суиқасдни амалга ошириганидан сўнг эр-хотин уни қабул қилиб Мальмодаги ўз уйларида тунашга рухсат берганлар. Суднинг биринчи кунда аёл суроқ қилинмоқда.

“Остерсунд постен” газетаси суд залидан узлуксиз репортаж бермоқда.

Торд Андерссон
Шведчадан Тўлқин Қораев
таржимаси

ЎЗБЕКИСТОН ҚУВАСОЙ ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ АКЦИЯЛАРИНИ БОСИБ ОЛДИ

Ўзбекистон ҳукумати “Бекободцемент” ОАЖ акцияларининг назорат пакетини олади.

Ўзбекистон Давлат мулк қўмитаси бундан олдин United Cement Group (Қозоғистон) холдингига “Бекободцемент” ОАЖ Кузатув кенгаши Давлат мулк қўмитасини корхона акциядорлари рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилди, дея хабар беради UzDaily.тегишли бўлган

“Бекободцемент” ОАЖ акцияларининг 51,53% га эга бўлади.


Ушбу қарор шу йил бошида Тошкент вилоят жиноий ишлар бўйича суди томонидан қабул қилинган ажрим доирасида қабул қилинди. 2 август куни завод акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилади, унда Давлат мулк қўмитасини завод акциядорлари рўйхатига киритишни тасдиқлаш режалаштирилган.





Энди дадам ҳам, ойим ҳам қарши чикди.

“Кўй, мана шунча оғайнилар бор. Қариндош бор. Ҳеч ким қатнашмаса. Нима кераги бор?” деса ҳам, зўрлаб олиб боришди бизни. Қатнашсанг ҳам қатнашасан, қатнашмасанг ҳам қатнашасан, дейди. Энди мен ўзим хафа бўлдим. Мен “Бизга керак эмас. Қатнашмаймиз” дедим. Шунда ҳам мажбурлади, кейин қатнашдик, дейди тўрткўллик йигит.



Текин тўй, текин тўй...
Пенсиянгни ўйлаб кўй!

“ГУЛНОРАНИНГ ТЎЙИ”ДА КУЁВ БЎЛИШГА ЗЎРЛАШДИ

Ўзбекистон бўйлаб президентнинг тўнғичи Гулнора Каримовани элга саховатпеша қилиб кўрсатиш мақсадидаги пиар кампаниясининг таркибий қисми – “хайрия тўйлари” давом этмоқда. Шу тўйлардан бирида куёвликка мажбурланган ногирон йигит Озодлик билан суҳбатда на бу тўй ва на “Гулноранинг совғалари”дан хайр кўрмаганини айтади

Куни-кеча Озодликка Гулнора Каримовага қарашли “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси – Фонд Форум “ҳомийлигида” ўтказилган ҳашар тўйига маҳаллий ҳокимлик томонидан мажбурланган “куёвбола” сим қоқди.

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида яшовчи 26 яшар бу “куёв” 1-гурух ногирони ва ҳақиқатда тўй қилишга қурби етмайдиган ночор қатлам вакили. Аини пайтда бу йигитнинг тўй хангомаси, Гулнора Каримова номидан ўтказилаётган хайрия тўйлар механизмни тушунишга имкон беради. “Тўйга рози бўлмасанг, нафақанг қирқилади”

Хавфсизлиги билан боғлиқ хавотирлар боис исми шарифини ошкор қилмаётганимиз тўрткўллик 26 яшар йигит тўрт йил аввал севган қизига уйланган ва ҳозирда бир ўғилнинг отаси.

Унинг айтишича, оилавий етишмовчилик туфайли тўрт йил давомида маҳаллага дастурхон ёзиб, тўй қилишга қурби етмаган. Кўзи ожиз бўлгани боис, 1-гурух ногирони сифатида қайдга олинган суҳбатдошимиз ишсиз. “Ўз танг ҳолимдан маҳаллий ҳокимликка ёрдам сўраб борган пайтим, мени Фонд Форумнинг хайрия тўйига рози бўлишга мажбурлашди”, дейди Озодлик билан суҳбатда тўрткўллик “куёв”:
- Ҳокимият, маҳалла мажбурлаб олиб боришди. Бўлмаса пенсиянгиздан ушлаб қоламиз, дедида. Шундан кўрқиб, рози бўлдим.

“Куёв”нинг таъкидича, тўрт йилдан бери никоҳда яшаб келган, аллақачон бир фарзанднинг онаси бўлган “келин”ни оқ кўйлаб кийиб, ҳашар тўй тўрига чиқишга кўндириш анча қийин бўлган. “Тўйда машҳур хонандалар кўп бўлди”

4 май куни Тўрткўлнинг “Асл” тўйхонасида бўлиб ўтган хайрия тўйида жами олти нафар келин-куёвнинг никоҳ тўйи ва 7 болакайнинг суннат тўйи ўтказилган. - Тўй яхши ўтди. Зулайхо Бойхонова, бошқа кўп санъаткорлар келди. Тўрткўл маданият саройидан бошқа хонандалар ҳам келди. Яхши ўтди, дейди у. Тўйда суҳбатдошимизнинг тўрт нафар қариндоши қатнашган, лекин ота-онаси ногирон бўлгани учун тўйда иштирок этмаган. “Совғага бузук телевизор беришди”

Тўрткўлдаги хайрия тўйида, одатга кўра, келин-куёвларга совға сифатида телевизор берилган. Лекин суҳбатдошимизнинг айтишича, унга берилган телевизор бузук чиққан. Ҳокимиятга шикоят қилишгач, шу бузук телевизорни ҳам олиб кетиб, ҳозирча қайтаришмаган.

- Совғага гилам берди. Фонд Форумдан берди. Битта соат, телевизор берди. Берган телевизорни ҳам бузук чиқди. Уни ҳам маҳаллий ҳокимият қайтариб олди. Ҳали бизга қайтиб бергани йўқ, дейди суҳбатдош.
“Тадбиркорлар ҳомийлик қилишга мажбурланган”
Тўрткўллик суҳбатдошимиз, маҳаллий тадбиркорларнинг Фонд Форум тўйларига ҳомийлик қилишга мажбурлангани ҳақида ҳам гапирди.

- Совға маҳаллий тадбиркорлар зиммасига юкланди. Хафа бўлиб қийналаяптида. Салончидан эшитганман “Мана олтита келинни бизнинг зиммамизга юкляпти. Ўзи аренда пулини тўлай олма-

япмиз, мана ҳозир солиқ бор, деб айтганини эшитдим.

Гулнора опа тўй ўтказса, тадбиркорлар зиммасидан ўтказмай, ўзининг чўнтагидан ўтказса, яхши, савоб иш бўларди демоқчиман. Нимага деганда бу нарсани тадбиркорлар зиммасида бўлаяпти, дейди суҳбатдош.
“Тўйдан кейин нафақамни ололмаяман”

Тўрткўллик “куёв”нинг айтишича, Фонд Форум тўйларидан кейин банкларда нақд пул етишмовчилиги пайдо бўлган ва одамлар пенсия пулларини ўз вақтида ола олмаёпти.

- Гулнорахон тўй ўтказганидан бери бизларга пенсия берилмаяпти. Май ойининг пенсиясини берганига бир ҳафта бўлди. Ҳали июн ва июлни олмадик. “Банкда пул йўқ. Гулнора Каримова тўй қилди. Банкнинг ҳамма пулларини тўйга сарф қилдик” деган гапларни айтаяпти. Мана ҳокимият ҳам шунақа деяпти. Зарарда бу. Тўй қилиб берса, ўзининг чўнтагидан қилса, яхши бўларди. Тўй қилгани бир томондан яхши, иккинчи томондан пенсия вақтида берилмаслиги ёмон томони бор, дейди суҳбатдош.

“Барибир маҳаллага тўй қилиб бераман”

Бир фарзанднинг отаси бўлган тўрткўллик йигит ҳозирда маҳаллага дастурхон ёзиб, рафиқаси билан никоҳ тўйини қайта нишонлашни режалаштирмоқда.

- Уйланган оғайниларим, қариндош дўстларим бор. Мен ҳам тўй қилмоқчиманда энди. Орзу-ҳавас деган нарсани бўлади. “Уйланганига мана тўрт йил бўлди, ҳалигача тўй қилмади эркак бўлиб” деб ташқаридан шунақа ғийбат қилишади. Мен ҳам ўғил боламан. Ғурур борда менда”, дейди у.

ҚУРУЛТОЙ ТАЪСИРИДАГИ ТУҒЁНЛАР

Аллоҳ насиб қилиб, 2012 йил 29-30 июнда бўлиб ўтган Прага қурултойига қатнашдим. Биринчи қурултойда қатнашмасам-да, ўзимни шу Ҳаракат ичида сезганман ва Ҳаракат аъзолари билан алоқа боғлаб, улар билан ҳамнафас эканлигимни изҳор этганман. Мақсадим аввалдан ноқонуний бошқарилаётган давлатни ағдариш ва унинг ўрнига ҳақ-хуқуққа асосланган



билан яқиндан танишдим. Айниқса, Ватандан келган ватандошларнинг жозибали сиймоси қалбимни ларзага солди. Тўғри, мавжуд сабабларга кўра уларнинг суратлари олинмади. Шунга қарамай, уларнинг анжумандан нажот кутиб мўлтиллаб турган умид, ишонч тўла кўзлари ҳали-ҳали кўз олдидан кетгани йўқ. Демак, бутун Ўзбекистон биз бошлаган Ҳаракатдан на-

демократик давлатни тузишга ўз хиссамни қўшиш бўлган. Ва шу ниятимда қолиб, мустабид тузумга қарши то ғалабагача курашни давом эттираман, иншоаллоҳ!

2011 йил май ойи охирида бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеликнинг бошланишиёқ иқтидордаги диктатура режимини жазавога тушириб қўйган эди. Шу нарсанинг бўлишини билганидек, режим малайлари аввалдан тайёргарлик кўриб, кутиб туришди. Кутилмаганда қонхўр диктаторга қарши ундан зулм кўрган гуруҳлар бирлашиб, диктаторнинг ашадий душмани бўлмиш Муҳаммад Солиҳни ўзларига сардор қилиб сайладилар. Бу ходиса ўз ватанидан нарига чиқмаган, темир кўрғонда яшаётган миллионлаб мазлум маҳбусларга озодлик шамолларини олиб келди. Уларнинг диққинафас кўкрагига шамол теккандай бўлди. Талвасага тушган малайлар эса, худди ўша кун “Янги дунё” сайтида “Торонтода туркистонликлар жамоаси ташкил топди”, деган мақолани эълон қилишди.

Жаҳон сиёсий майдонида сиёсий ўйинлар жангги бошланди. Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига қарши жазавога тушган ўйинчилар турли мақомларда жиппанглай бошлади. Минг мақом қилгани билан уларнинг ўйини Хоразмча лазгидан нарига ўта олмади. Америка Кўшма Штатларидан элчихона вакиллари йил давомида икки марта чақириб, Торонтода зиёфат берсалар ҳам. Тўғри, озгина манфаат эвазига алданиб, ёки “уюштирилган Ойначининг кўппаклари” хужумидан кўриб, кутилмаганда сиёсий майдонни тарк этганлар ҳам бўлди. Уларнинг кимлиги ҳаммага аён. Ватан ичкарисидоги халқимизга ҳам.

Улар давлат бошқаришга қодир эмас. Уларнинг олий мақсади – Андижоннинг янги “Ўзбекистон”, (собик Победа кўчаси) деб номланган кўчасига қурилган уйларни

сотиб олиб “маза” қилиб яшашдан иборат ҳолос. Бунинг учун эса иқтидордаги ҳукумат билан келишишга “мажбур” лигини кўрсатиб қўйди.

Тарихда СОТИЛМАС деб ном олган одамларнинг номи санокли. Буюк Француз революциясида халқ ишончини оқлаб, сотилмас, деб ном олганлар Марат ва Робеспьерлар бўлса, диктатор Сталиннинг бутун ноҳўя қилмишларини ювиб турган нарса унинг битта ҳақ сўзидир. У ҳам бўлса “...маршални оддий солдатга алмаштирмайман”, деб айтган тарихий сўзи. Замонамиз қаҳрамони Муҳаммад Солиҳ эса ўз фаолиятдан воз кечмаслик эвазига ўзининг бегуноҳ, жонажон укаси Муҳаммад Бекжонни Каримовнинг даҳшатли турмасида азоб гирдобида ушлаб туришга сабаб бўлмоқда.

Сотқинларнинг номлари эса беҳисоб. Золимни золим, деб айтолмаган мунофиқларнинг ҳолига вой! Бир вақтнинг ўзида қонхўр ва мазлумни севишлик ўта жирканч фожеа. Менман деган журналист ёмонликка нисбатан бефарқ қараб тура олмайди. Қалби эзуликка тўла иқтидор соҳибларигина журналистдир. Иқтидорни Аллоҳ уларга омонат қилиб топширган. Гапиринг ҳақиқатни! Бекорга айтишмайди журналистлар ҳаёт санитарлари деб. Эй, ўзини журналист санаган қулвачча! Аросат ботқоғида қолганлигинг ҳаммага аён. Ҳатто ўз касбдошларинг ҳам сени номигагина “хурмат” қилади.

Ҳозир гапира олмасанг-да, пойлаб турибсан ўлган қуни гапираман деб. Афсуски ҳайитдан кейинги хина ўзгалар диққатига сазовор эмас. Қайтариб айтаман, Биринчи Қурултойга таклиф этилмасам-да, (унинг ҳужжатлари чатоқ, деб менинг учун жавоб беришган экан айрим “дўстлар”) Иккинчи қурултойга таклиф этилдим. Маслакдошлар

жот кутмоқда. Нажот бер Аллоҳим, нажот бер!..

Айрим даканчалишлар менинг бу сўзларимдан қулиши ҳам мумкин, аввал сафдошларим устидан қулганидек. Улар Худо номи кўшилиб ёзилган ҳар бир мақолага мазах билан жавоб беришмоқда. Ислом ва демократия бирлаша олмайдиган жараён, деб ўйлайди улар. Ваҳоланки, улар ўзларини мусулмон деб санасалар-да. Бунга Муҳаммад Солиҳнинг қурултойдаги гўзал жавоби кифоядир: “Қуфр билан ёнмаён яшаб келаётган Ислом наҳотки демократия билан келиша олмас экан?”

Тўғри-да, балки демократиянинг ўзи Исломни хоҳлаб қолар... Ташқаридан қараганда, Ислом кўрқинчли бўлиб кўриниши мумкин. Ичига кириб олганда-чи? Қайтиб чиқинг келмайди. Жалолдин Румий ёзишича, хожасига эргашиб кетаётган мусулмон қул йўлда масжидни кўриб қолиб, ичкарига кириб, икки ракаат намоз ўқиб чиқишга руҳсат сўрайди. Хожаси руҳсат беради. Қул эса ҳа деганда чиқавермайди. Хожаси диққат бўлиб чақиради. Қул чиколмаслигини айтади. Чикмаслигинга ким монълик қияпти, деб сўрайди хожа. Қул жавоб беради: ўша сени киришингга монъелик қилаётган нарса, деб. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қуфр бор экан, Исломнинг бўлиши муқаррар. Ислом бўлмаса-чи? Демак унда ҳаётнинг ҳам кераги йўқдир балки. Ҳар ким ўзига хон, ўзига бек. Бугун “отангиз” Худо томонидан қўйилган подшо, даврни сураверсин Гулнара пошша!..

Шундайми? Шунга розимисиз? Рози бўлсангиз жонингизни эҳтиёт қилинг! Ҳаётлигингизда тўқилмаган қон, қабрга борганда барибир чириб тўқилади. Эҳтиёт қилган жонингизни Аллоҳ Жаброҳил а.с. воситасида сассиқ тўшагингизда ҳам суғириб олиши мумкин.

Тоғбой Абдураззок

Айни пайтда Лондонда истиқомат қилаётган ўзбек ёзувчиси Ҳамид Исмоиловнинг янги романи “Жинлар базми” дея ном олган. Асар 1937 йилда қатағонга учраб отувга ҳукм бўлган таниқли ўзбек ёзувчиси, “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” тарихий романларининг муаллифи Абдулла Қодирийга бағишланган. “Фарғона” агенлиги билан мўъжаз суҳбат давомида Ҳамид Исмоилов янги романнинг мазмун-моҳияти ва унинг ёзилиши тафсилотлари билан ўртоқлашмоқда.

Фарғона: Сиз ўзбек тилида янги роман ёзибсиз, айтинчи асарингиз нима ҳақида?

ган, турмада ўтирган ва ўз асарининг тақдири борасида қайғуриб изтироб чекаётган Қодирий ҳақида. Менинг романим фақат ёзувчининг онгида яратилган аммо қоғозга ёзилмай



ўтирган даври ҳақида. Боз устига, унинг барча қўлёзмалари ёндириб ташланган деяпсиз.

Ҳамид Исмоилов: Шу ерда Михаил Булгаковнинг “Қўлёзмалар ёнмайди” деган машҳур иборани келтириш жойиз бўларди, аммо афсуски улар ёниб кули қўкка совирилган. Мен Қодирий бу бахтсиз аёл ҳақида нималарни ўкиб чиққан бўлса, ёзилган нарсаларнинг ҳаммасини ўкиб чиқдим. Ҳозир исмларини мен ошқор эта олмайдиган баъзи тарихчилар қатта ёрдам бердилар, улардан беҳад миннатдорман. Қачонлардир Қодирий танишиб чиққан барча материал-

ҲАМИД ИСМОИЛОВНИНГ ЯНГИ РОМАНИ: “ЖИНЛАР БАЗМИ”

Ҳамид Исмоилов: Чиндан ҳам буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ҳаётининг баъзи лавҳаларини тасвирловчи “Жинлар базми” дея аталган романни ёзиб тугатдим (дарвоқе, ёзувчининг илк ҳикояларидан бири ҳам шундай аталади). Абдулла Қодирий 1937 йилда янги роман яратишга киришган ва унинг ўзининг таъбирича, бу романни ўқиганлар “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” китобларини ўқимай қўйишади, яъни, муаллиф янги романининг шунчалик мафтункор бўлишини кутган. Қодирий ўзининг бу романда тақдир тақазосига қўра учта хонга хотин бўлган бир “қанизакнинг” ҳаётини тасвирламоқчи бўлган эди. Ёзувчи дўстларига: “Бир киш ўтирсам романни ёзиб тамомлайман, тайёргарчилик ишларини ниҳоясига етказдим, ёзиш қолди, холос. Шундан кейин одамлар менинг олдин ёзган китобларимни ўқимай қўядилар”, – деб гапириб юрарди. Аммо 1937 йилнинг 31 декабрида уни ҳибсга олдилар, ҳамма қўлёзмаларини мусодара қилиб, кейинроқ ўтга ташладилар. Турган гап, романдан асорати ҳам қолмади. Қодирийни 1938 йил 4 октябрь кунини Чўлпон, Фитрат ва ўзбек маданиятининг бошқа таниқли вакиллари билан бирга қатл этдилар.

Менинг романнинг айнан шу давр ҳақида – роман ёзаётган, ҳибсга олин-

қолган роман ҳақида. Қодирийнинг ўзи айтишича, у бирор асар яраётган пайтда унинг фикри-зикрига бошқа ҳеч нарса кирмайди ва у ўз асарининг дардига мубтало бўлади. Шу маънода менинг романим Қодирийнинг атрофида, Қодирийнинг атрофидан келиб чиққан ҳолда барпо этилади, у билан бирга қамалган одамлар нафақат воқеа иштирокчилари, балки ёш аёл ва унинг аянчли тақдири тўғрисидаги у ёзаётган асарга муаллифдош ҳам бўлиб қоладилар. Ойхон-пошша исмли аёлнинг боқира муҳаббати топталиб, ўзини Қўқон хони Умархоннинг (шоир Амирий, шоира Нодиранинг эри) ҳарамига жория қилиб берилади, хон қўқисдан ўлганида эса ўғли Мадаминнинг ҳарамига ўтади, пировардида, Бухоро амири Насрулло Қўқонни забт этиб Ойхон-пошша унинг қўлига ўтади. Бир маънода у Қодирийнинг гўзал, бироқ барча тарафидан сотилган, топталган адабиётининг рамзига айланади.

Шу маънода мен Қодирий орқали унинг рўёсидаги романини ёзиб тугатдим, аммо менинг асарим – ёзувчи ва унинг ижод маҳсули ҳақида.

Фарғона: Романни яратиш жараёнида қандай материаллардан фойдаландингиз, ахир Қодирийнинг ҳаёти ҳақида жуда оз нарсалар маълум? Айниқса унинг НКВД камокхонасида

лар қўлимдан ўтди, устига-устак Қодирийга ноаён бўлган инглиз, рус ва бошқа саёҳатчилару жосуслар ўша пайтларда шу ўлкаларга келиб тўплаган материаллардан ҳам фойдаландим. Бир вақтлар мен Чўлпон устида кўп ишлаганман, у Қодирийга энг яқин дўст ва ҳамқир инсон бўлган. Қайта қуриш йилларида бошқа ёзувчилар қатори мен ҳам КГБ архивлари билан танишиб имкониятига эга бўлдим, гапнинг индаллоси, қўлимда етарлигидан ортиқ материаллар бор эди. Қодирий таъбирича, бир киш ўтириб, қиссани қоғозга тушириш қолгани, холос. Лекин бу ҳужжатли роман эмас, балки Амирий, Нодира, Увайсий, Гулханий исмлари билан боғлиқ Қўқон, Хива, Бухоро сарой маданиятларию Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва Усмон Носир яшаган ўтган асрнинг 30-йиллар даврлари чамбарчас боғланган бир асар бўлиб қолди. Шу билан бирга, бу роман нафақат ўзбеклар, балки руслар, поляклар, яҳудийлар, афғонлар, инглизлар, татарлар ва кўплаб бошқа халқлар ҳақидаги бир асардир.

Фарғона: Романни қачон ва қаерда чоп этмоқчисиз?

Ҳамид Исмоилов: Даставвал романни ўзимнинг ҳамда Фейсбукнинг Абдулла Қодирийга бағишланган саҳифасида бобма-боб чоп этмоқчиман, кейин бир гап бўлар.

«УНИВЕРСАЛБАНК»НИНГ БОШ ЛИЦЕНЗИЯСИ ЧАҚИРИБ ОЛИНДИ

12news.uz — «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 40 ва 53-моддасига асосан валютани тартибга солишга доир амалдаги қонунчилик талабларини бузганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Хусусий очик акциядорлик-тижорат банки «Универсалбанк»идан чет эл валютасида операцияларни амалга

ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензияни қайтариб олди. Бу ҳақда Марказий банк матубот хизмати хабар тарқатди. Расмий хабарда бош лицензиянинг қанча муддатга қайтариб олингани очиқланмаган. Охириги ярим йил ичида Тошкентдаги Равнақбанк ва Hi-Tech Bank лицензиялари қайтариб олинган эди.



ЮНОНИСТОН БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КИМГА ҚАРШИ ИТТИФОҚ ТУЗМОҚДА?

Яқинда Юнонистон мудофаа вазири Ақис Чохожолупос расмий визит билан Тошкентга келди. Визит чоғида юнон вазири Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан кўришди. Сўнгра Ўзбекистон мудофаа вазири Ҳикматулло Турсунов билан кўришиб, икки давлат ўртасида ҳарбий ҳамкорлик қилиш ҳақидаги шартномани имзолади.

Юнон мудофаа вазирига Юнонистоннинг Москвадаги элчиси, учта генерал, шунингдек, каттагина хайъат ҳамкорлик қилди.

“Ўзбекистон қаерда-ю, Юнонистон қаерда?”... Бу икки давлатнинг ҳарбий ҳамкорлик қилаётгани ҳақидаги хабарни эшитган ҳар бир фикри соғлом одам бошида беихтиёр шундай фикр туғилади. Албатта, бу саволга Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримовнинг ўз жавоби бор. Бу жавоб Юнонистон ҳукумати делегациясининг Тошкентга қилган илгариги расмий ташрифи чоғида меҳмонларга қарата президент И.Каримов томонидан шундай ифода этилди: “Ўз ота юртингизга хуш келдингиз, бу ерга бир пайтлар бобокалонингиз Александр Македонский келиб кетган”.

Маълумки, шу пайтгача Ўзбекистонни “ота юртимиз” деган ягона евро-осиёлик халқ – юнонларни ўзига ашаддий душман деб билувчи Туркия турклари эди (сўнги 25 йил ичида Туркия билан Юнонистон бир неча марта уруш остонасидан кайтди). Энди эса, Ўзбекистон прези-

дентининг бир оғиз гапи билан юнон ва турк сингари бир-бирини кўришга кўзи йўқ бўлган иккита халқ ватандош ва қардош бўлиб чикди. Хўш, Каримовнинг бундай лўкмалари ортида нима бекинган?

Бу саволга жавоб бериш учун президент Каримовнинг сўнги йилларда Туркияга ва умуман, туркчилик ғояларига нисбатан олиб борган сиёсати ва кўрсатган муносабатини бир кўздан кечириб чиқиш лўзим бўлади. Барчага маълумки, 1994 йилдан бошлаб, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ўзбекларнинг турк эмас, балки, туркийзабон бўлган алоҳида бир миллат эканлиги ҳақида тарғиботлар олиб борилди бошлади. Бу ишга ҳукумат бир қанча академик ва профессорларни сафарбар этди. Президент Каримовнинг туркчилик ғояларига бу қадар “терс” қараши Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида ҳам намоён бўла бошлади. Озарбойжон -Арманистон уруши пайтида Ўзбекистоннинг Арманистон билан муносабатлари аъло даражада бўлди. Ҳатто ўша пайтдаги Арманистон президенти Тер Петросян ўзининг Москвада чиқадиган газеталардан бирига берган интервьюсида Каримовни “Ислоҳ Каримов МДХ давлатлари президентлари ичида энг ақллиси” деб мақтади.

Турк халқларининг 1996 йилда Бишкекда ўтказилган анжуманида И.Каримов Қибрис турк жумҳурияти раҳбарининг анжуманда қатнашаётганига норозилик билдир-



МАКСУД БЕКЖОН

ди ва “агар бу ерда сиёсий масалалар муҳокама қилинадиган бўлса, биз ҳозирок зални тарк этамиз” дея ултиматум кўйди.

1996 йилда Олмонияга қилган визити чоғида эса, Ўзбекистон президенти ўзининг Олмония Бундестагида қилган чиқишида тўғридан-тўғри: “Бобомиз Амир Темур Овруполи Усмонли туркларидан халос этди” дея нутқ ўқиди. Хуллас, президент И.Каримовнинг бундай фикр ва иддаоларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзбекистон президентидати бундай ақсилтуркий кайфият қаердан келиб чиқаётгани ҳеч кимни қизиқтирмайди. Халқни қизиқтирадиган нарса – бу гапларнинг давлат сиёсатида айлантирилаётгани ва халқнинг тарихи бузиб кўрсатилаётганидир. Кимнингдир ўзини “турк эмасман”, деб ҳисоблаши ўзбек халқининг ҳам турк эмаслигини англамайди, албатта, аммо, яна таъкидлаيمان, бу гапни айтаётган (ва шунга яраша сиёсат юргизаётган) одам давлат бошлиғидир, масаланинг нозик жиҳати ҳам шундадир.

ЎЗБЕКБОШИ ЭМАС ЎҒРИБОШИ



Интернетда диктатор Ислоҳ Каримовнинг қайинсинглиси Тамара Собирова, унинг ўғли Акбарали Абдуллаев ва унга хизмат қилган жинояткор тўданинг кирдикорлари ҳақида маълумотлар эълон қилинди. Ўзбек халқининг қонини сўриётган бу ёввойи сулуқларнинг жиноятларини бир бир санаб ўтмоқчи эмасми. Истаганлар мана бу сайтга (bbc.uzbek) кириб, бу ўғриларнинг қилмишларини ўрганиб олишлари мумкин. Бу ердаги асосий масала бу ўғриларнинг яъни, Акбарали

Абдуллаев жиноят тўдасининг ўз “даромадларини” президент оиласи билан баҳам кўрмаганлиги учун уларга қарши жиноят иши очилганлигидир. Яъни, ҳолаваччалар Акбарали ва Пулнора Каримова ўғирланган пуллар масаласида ўзаро келиша олмаганга ўхшайдилар. Улар бу ҳаром пулларни бўлишда ўзаро келишганда албатта ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетаверарди. Бунинг далили ўтган ўн йиллар давомида бу биланган жиноятнинг фош қилинмай келинганидир. Қайинсинглиси устидан жиноят иши очишга буйруқ берган Ўғрибошининг ўзи, яъни Президент Каримов эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ноинсофлик шунчаликки, Ўзбекистоннинг бутун бойлигини ўзлаштириб олган бу диктатор ўз яқинларининг ўғирлаган пулларидан ҳам ҳисса олишдан уялмайди. Бу очкўзлигини бошинга етсин, десак унинг учун айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурқатбек

УФЛАШ ИНҚИЛОБИ

*МХХ фаоли Талант Александровфа
Қофия ва туроқдан биринчи дарс*

*Эй, жосус, хойнахой, ақлингни единг!
Пиширганнинг шўрва эмас – баланда!
Тутруқсиз “шеър”ингни кўрдиму,
дедим:*

*Талантсиз ИАКнинг шуми Таланти?
Шуми Диктаторнинг энг шум эчкиси?
Энг закий шайтони шуми золимнинг?
Диктаторнинг келса шеър эшитгиси*

*Наҳот, эшитар шу эчки-олимни?
Бу не шармандалик, юртда шоир йўқ,
“Ҳаракат”ни сўқар қофиябозлар.*

*ТиВида Жоҳиллар суҳбати қуюқ -
Фоҳишлар илҳом-ла айтади розлар!
“Талант”лар юртимга ёзса мадҳия,
Уятдан ерларга қирман шу он!*

*Мен қандай айтайин, яшасин дея
Гадоилар макони – ҳур Ўзбекистон!*

*Бу жуҳуд ватанни ёб битирди ҳам,
Қолганини емоқда александровлар,
Халқ эса иссиқдан нолийди беғам
“Уф иссиқ, уф иссиқ” деб тинмай,
уфлар...*

Мужоҳид Фотих

Президентнинг радикаллашуви

Ўзбекистон президенти 1992 йилда Муҳаммад Солиҳ билан учрашган ва ўшанда Солиҳ ҳукумат таркибига киришга рози бўлмаган эди. Бу воқеадан сўнг афтидан президент Солиҳ ҳеч қачон ўзига “дўст” бўлмайди деган хулосага келган. Каримов муҳолифат билан мулоқот қилишнинг бошқа йўллари ҳам борлигини тушуниб етмади. Муҳаммад Солиҳ унга жуда жўн ташаббусларни таклиф этганди. У Каримовга бирлашган ўзбек муҳолифати – Ўзбекистон Демократик Форуми олдида чиқиш қилишни маслаҳат берди. Агар у шундай қилганда эди, ўз мамлакатини демократлаштиришга

йиллардирки ўзгармасдир. Муҳаммад Солиҳни ўлдириш учун жиддий ҳаракат 2001 йилда амалга оширилди. Бу ҳақда “Озодлик” радиосининг рус хизмати томонидан тайёрланган “Муҳаммад Солиҳга суиқасд” эшиттиришини қисқартирилган вариантни келтираемиз. Бошловчи овози:

Дастурни Тенгиз Гудава олиб боради. Сухбатда ўзбекистонлик тадбиркор Баҳром Мўминоҳунов; ўзбек сиёсий муҳожири, ёзувчи, “ЭРК” Партияси лидери Муҳаммад Солиҳ; Экстремал журналистика Маркази Директори Олег Панфилов қатнашади. Шунингдек, эшиттиришимиз-

яна бир марта Тошкентга келишди. Уларнинг келишдан мақсади тижорат эди. Бундай одамлар билан учрашиш, биласизми, тижорат бизда факат МВД (Ички Ишлар вазирлиги) ва СНБ (Миллий Ҳавфсизлик хизмати)нинг кучли “томи” остидагина қурилади. Хуллас, мен уларни учраштириб қўйдим, улар менинг ёнимга келиб, Ички Ишлар вазирлиги уларга 1 миллион доллар бадалига ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳни йўқ этишни таклиф қилганликларини айтишди. Мен уларга бу акцияда иштирок этмаслигимни айтдим, аммо музокаралар олиб борилаётгани ва бу одамлар факат мени таниганлари учун, вазият шундай бўлдики, мен Ички Ишлар вазирлиги ва ушбу гуруҳ

ЎЗБЕК МУҲОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

ҳаракат қилаётган лидер сифатида Ғарб олдидаги мавқеъини яхшилаб олган бўларди. Бундан ташқари Солиҳ Каримовга иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказишга имкон берадиган демократик Конституцияни (ЭРК лойиҳаси) қабул қилишни таклиф этди. Бу ҳам Каримовнинг фойдасига ишларди – хорижий сармоядорларни мамлакатга кириб келишларига йўл очган, Ғарбни сиёсий қўлловига муъсар қилган бўларди. Нега Каримов Солиҳ таклифларини қабул қилмади?

Бу жуда оддий мантик. Агар у муҳолифатни қонуний фаолият кўрсатишига рухсат берганда эди, муҳолифат янада кўпроқ демократия истаган, алал оқибатда ҳукуматнинг барча бўғинларида демократик сайловлар ўтказишни талаб қилиб чиққан бўларди. Сайловлар эса, агар улар демократик бўлса, ҳеч қачон Каримов режимини шундай сақланиб қолишига қафолат бермас эди. Ҳатто Ғарб қўлловисиз, демократияни рад этган тақдирда ҳам, ҳукумат Каримовнинг қўлида эди ва ҳамма нарса шу ҳукуматга боғлиқ эди. Ғарб эса биринчи навбатда “демократия тарафдорлари” билан эмас, албатта ҳукумат билан мулоқот қилишга мажбур бўларди.

Бу мантик Ўзбекистон Президентини ўз сиёсатини ўзгача фикрловчиларга нисбатан қаттиқлаштиришга, кейинги йилларда эса уларга нисбатан давлат қатағони уюштиришга олиб келди. Шу зайдда дунёвий муҳолифат яширин фаолият йўлига ўтиб олди, унинг ўрнида пайдо бўлган бўшлиқни эса Ўзбекистон Исламий Ҳаракати ва Ҳизбут Таҳрир тўлдирди.

Ўзбекистон президенти муҳолифатдан қутилиш учун қўрқитиш, қамоқхона, ошиш ва сиёсий қотиллик каби радикал услубларни танлади. Ўзбекистон президентининг қора рўйхатида Муҳаммад Солиҳ номи биринчи ўринда турибди. Бу ўрин неча

да Баҳром Мўминоҳуновнинг Ўзбекистон Интерполи Директори Маҳмуд Ҳайитов билан телефонда қилган суҳбати келтирилади. Тенгиз Гудава: 10 май куни мен электрон почта орқали қуйидаги мактубни олдим. Ўқийман: “Билдириш. Мен, Баҳром Мўминоҳунов, 1958 йилда туғилганман, Ўзбекистон фуқароси, шуни билдираманки, мен сиёсий қотилликнинг тайёрланишига бевосита гувоҳ бўлдим. Ва бу ерда ушбу акциянинг асосий гувоҳи сифатида чиқмоқдаман...”

Ва билдириш давомида ҳозир муҳожирикда яшаётган ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасд тайёрлангани ҳақида гапирилади. Мен телефон орқали ҳозир Оврупо давлатларининг бирида яшаётган (тушунарли сабабларга кўра, бу мамлакат номини айтмайман) ушбу билдириш муаллифи Баҳром Мўминоҳунов билан телефон орқали боғландим. Мана, ёзиб олинган суҳбатимиз:

Баҳром Мўминоҳунов: Мен, Баҳром Мўминоҳунов, 1958 йилда туғилганман, Ўзбекистон фуқароси, шуни маълум қиламанки, ЭРК партияси лидери Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасд тайёрланганининг бевосита гувоҳи бўлдим. 1999 йилнинг сентябр ойида меникига тижоратчи дўстларим келишди – бу бир гуруҳ чеченлар бўлиб, улар Муҳаммад Солиҳ билан алоқада эканликларини айтиб қолишди. Бу гап менинг бошқа дўстларим ёнида айтилгани учун эртасигаёқ Ички Ишлар вазирлигига етиб борди. Мени Ички Ишлар вазир Зокир Алматов, терроризм билан кураш бўлими полковниги Ботир Турсунов ва Ўзбекистон Интерполи директори Маҳмуд Ҳайитов чақирдилар. Улар мендан ушбу чечен гуруҳи билан учраштиришни илтимос қилдилар. Мен бу чечен гуруҳи билан учрашувни ташкил қилиб бердим – бу одамлар

уртасида боғловчи занжирга айланиб қолдим. Аммо мен уларга бир шарт қўйдим – бу ҳақда Солиҳ хабар топиши керак, дедим. Бу гуруҳ, бу одамлар Солиҳ билан боғландилар. У ўзига қарши бир неча йилдан бери ана шундай ҳаракатлар булаётганидан хабардор эканини айтди ва Каримов режимининг бутун жинойи режаларини фош қилиш ниятида Ички Ишлар вазирлигининг ушбу таклифини қабул қилишимизни илтимос қилди. Айтмоқчи бўлган гапим шу.

Тенгиз Гудава:

Агар Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасд тайёрланаётган бўлса ва сиз ушбу гуруҳ ва ИИВ ўртасида боғловчи бўгин сифатида хизмат қилар экансиз, бўлажак қурбоннинг бу суиқасд ҳақида хабар топиши сизнинг шартингиз бўлиши мумкинми?

Баҳром Мўминоҳунов:

Ҳа, бу менинг шартим эди... Бу чечен гуруҳи қотиллар гуруҳи эмасди ва яна... Бу тижоратчи структура, жангарилар эмас, нормал одамлар, бизнинг, айтайлик, ҳуқуқ – тартибот органлари раҳбарлари тарафидан ўртага ташланган қотиллик қилиш таклифини эшитиб, ларзага тушганлар.

Тенгиз Гудава:

Яъни, уларга бу таклиф қилинган?

Баҳром Мўминоҳунов:

Уларга бу таклиф қилинган, чунки улар Муҳаммад Солиҳ билан алоқада бўлганлар. Табиийки, тижорат соҳасида ҳам уларга жуда катта имкониятлар ваъда қилинган, яъни, иш битганидан кейин.

Тенгиз Гудава:

Бу одамлар, тижоратчилар, керак бўлган пайтда сизнинг сўзларингизни тасдиқлай оладими?

Баҳром Мўминоҳунов:

Албатта.

Тенгиз Гудава:

Ўзингизчи, сўзларингизни қасам остида тасдиқлай оласизми?

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Баҳром Мўминоҳунов:

Қандай қасам остида?

Тенгиз Гудава:

Масалан, одатда сўраганларидай...

Баҳром Мўминоҳунов:

Мен Қуръонда қасам ичишга тайёрман.

Тенгиз Гудава:

Сиз бу маълумот билан бирон ерга мурожаат қилдингизми?

Баҳром Мўминоҳунов:

Албатта, мурожаат қилганман. Бу ҳақда Американинг Москвадаги элчихонаси хабардор. Бу тахминан бир ой олдин бўлган эди. Мен АҚШ элчихонасига мурожаат қилганман, кимга мурожаат қилганимни айтмайми?

буюртма тепадан келаяпти, яъни, бу Каримовнинг буюртмаси.

Тенгиз Гудава:

Буюртма қандай ифодаларда берилган?

Баҳром Мўминоҳунов:

У ерда конкрет равишда бажариш муддатини талаб қилишади.

Тенгиз Гудава:

Яъни, аниқ бир муддат ҳақида гапирилган...

Баҳром Мўминоҳунов:

Ҳа, албатта.

Тенгиз Гудава:

Ва тўланиши лозим бўлган пул микдори ҳам гаплашиб олинган?

Баҳром Мўминоҳунов:

Ҳа, албатта.

“2000 йилнинг сентябр ойида чечен гуруҳига бу акцияни “тайёрлаш” учун 135 минг долларлик аванс пули нақд берилди. Қотиллик учун тўла ҳисобкитоб эса, Муҳаммад Солиҳ йўқ этилганидан сўнг берилиши лозим эди. Пул мавзуи менинг Маҳмуд Ҳайитов билан телефон орқали ўтказган суҳбатларимда (ёздириб олинган) асосий мавзудир, чунки, фақат шу мавзу менинг суҳбатдошларимнинг ахлокий моҳиятини очиб бера олиши мумкин эди. Чунки, берилиши лозим бўлган 2 миллион доллардан 1 миллионини полковник Ботир Турсунов ва Ўзбекистон Интерполи Директори Маҳмуд Ҳайитов бўлиб олиши керак эди. (Баҳром Мўминоҳуновнинг Бил-

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Тенгиз Гудава:

Сиз бу ўлканинг ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилмадингизми? Ҳар ҳолда Муҳаммад Солиҳ бу ўлкада яшайди?

Баҳром Мўминоҳунов:

Биз... Бу ҳақда гапиришга ҳали эрта. Аммо албатта, мурожаат қилганмиз. Бу ерда бу ҳақда аллақачон хабарлари бор. Уни қўриқлаётган хавфсизлик хизмати буни билишади. Бу билдириш ҳақда Ташқи ишлар вазирлигининг ҳам хабари бор, жуда кўп ёзувлар мавжуд. Мен ўз дўстларим орқали АҚШ элчилигининг иккинчи котиби Барт Горманн билан ҳам учрашдим, у икки кундан сунг менга: “Сиз хавотирланманг, у киши бу акция ҳақида огоҳлантирилди,” деб айтди.

(Тузатиш: “Свобода” радиосида берилган эшиттиришда Барт Горманнинг кимлиги айтилмаган, эшитганлар ҳам унинг Норвегия элчихонаси ходими деб уйлаган бўлиши мумкин. Кейин маълум бўлишича, Барт Горман Москвадаги Америка элчихонаси 2-котиби экан).

Тенгиз Гудава:

Айтингчи, жаноб Мўминоҳунов, сиз лозим бўлганда кўрсатиш мумкин бўлган ҳужжатлар бор деяпсиз, бу қандай ҳужжатлар?

Баҳром Мўминоҳунов:

Булар – ёзиб олинган суҳбатлар, телефон суҳбатлари.

Тенгиз Гудава:

Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлиги ходимлари биланми?

Баҳром Мўминоҳунов:

Ҳа, Ҳа.

Тенгиз Гудава:

Марҳамат қилиб, яна бир марта такрорласангиз, Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлигидагилардан конкрет кимдан бундай буюртма келди?

Баҳром Мўминоҳунов:

Бу буюртма Ички Ишлар вазирлигининг буюртмаси эмас, чунки, на вазир, на Интерпол директори мустақил равишда бундай одамни йўқ қилиш ҳақда қарор қабул қила олмайди. Бу

Тенгиз Гудава: Бу пул микдори канча?

Баҳром Мўминоҳунов: Миллион доллар.

Тенгиз Гудава: Олдин сиз сиёсат билан шуғулланганмисиз?

Баҳром Мўминоҳунов: Мен ҳеч қачон сиёсат билан шуғулланмаганман ва Муҳаммад Солиҳ билан ҳеч қачон таниш бўлмаганман. Мен Ҳалқ ичида катта обрўга эга бўлган ЭРК партияси борлигини билардим. Мен жуда яхши тушунаман... Менинг у ёқда қариндошларим қолган, у ерда менинг яқинларим бор. Мен жуда яхши тушунаман, уларга нималар қилишлари мумкин, аммо ортик кўрқув билан яшайдан чарчадик... Тушунасизми, оддий қилиб айтганда кўрқиб яшайдан чарчадик. Мен ҳеч қачон ЭРК партиясига аъзо бўлмаганман, мен ҳеч қачон сиёсатга аралашмаганман, мен нормал ишлаганман, менинг ўзимнинг тижоратим бор эди, нормал алоқаларим бор эди, хотиним рус...

Тенгиз Гудава: Бу – менинг ва ўзбек демократик мухолифати лидери Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасд тайёрланаётгани ҳақида асосий гувоҳ сифатида чиқаётган Ўзбекистон фуқароси Баҳром Мўминоҳунов билан телефон орқали ўтказилган суҳбатимиз эди.

Муҳаммад Солиҳ – ўзбек ёзувчиси, шоир, мухолифатдаги ЭРК Партияси лидери. 1991 йилги президентлик сайловларида президент Каримовнинг асосий рақиби бўлган. 90-йиллар ўрталаридан бери сиёсий муҳожириликда яшайпти. 2000 йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон Олий суди уни 1999 йил 16 февралда Тошкентда юз берган портлашларда айблаб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ҳукм сиртдан чиқарилди. Муҳаммад Солиҳнинг ўзи унга қўйилаётган айбномаларни беъмани деб ҳисоблайди.

Баҳром Мўминоҳуновнинг очик билдиришидан парча ўқийман:

диришидан олинган иқтибос тугади).

Баҳром Мўминоҳунов котиллик буюртмачиларидан бири бўлган Ўзбекистон Интерполи директори Маҳмуд Ҳайитов билан телефон орқали қилган музокараларини ёзиб олган. Мана, шу йилнинг 8 май куни ўтказилган ўша телефон суҳбати, бу ерда музокара буюртмачиларга қандай қилиб, “буюртма”нинг бажарилганини маълум қилиш ва қурбон ўлдирилгани ҳақида хабар бериш ҳақида кетади. Баҳром Мўминоҳунов буюртмачилардан бирининг келишини талаб қилади, Интерпол директори Ҳайитов эса, расмий эълон қилиниши ва Муҳаммад Солиҳнинг ўлдирилгани ҳақида эксперт хулосасининг ўзи етарли эканини айтади. Қурбон – Муҳаммад Солиҳ суҳбатда “Хужжат” номи билан аталади (суҳбат русча):

Аёл овози: Алло...

Баҳром Мўминоҳунов: Салому алайкум.

Аёл овози: Салому алайкум.

Баҳром Мўминоҳунов: Маҳмуд акани мумкинми телефонга?

Аёл овози: Ҳа, Ҳа, ҳозир.

Баҳром Мўминоҳунов: Але, Маҳмуд ака?

Маҳмуд Ҳайитов: Ҳа, Ҳа, эшитаман.

Баҳром Мўминоҳунов: Салом алейкум.

Маҳмуд Ҳайитов: Баҳром, демак, масала шундай қўйилаяпти...

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа...

Маҳмуд Ҳайитов: Расмий органларнинг “Хужжат”нинг кимга қарашли эканини аниқлашларининг ўзи биз учун етарли.

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа... Аммо расмий орган деганда нима назарда тутилаяпти?

Маҳмуд Ҳайитов: Мана бу, масалан, ким кетади ўша жойга...

Баҳром Мўминоҳунов: ... Ҳа, Ҳа, аммо бу ҳақда улар кимга хабар беришлари керак, сизларгами?

(Давоми келгуси сонда)

ТАБИЙ ДОРИ - ДАРМОНЛАР

(Давоми: Боши олдинги бесонларда)

Зигир уруғи *Linum usitatissimum*

Милк, юз, овоз мускуллари, кўкрак ва бадандаги ички ва ташқи шишларни кетказди, овоз бузуклигини йўқотади. Буйрак ва ковуқ тошларини туширади. Маний (сперма) ва сийдикни кўпайтиради, туғишни осонлаштиради, ошқозон, ичак ва сочларни қувватлантиради, яраларни ёпади. Хусусан, кўк йўтал, йўтал ва ошқозон яраси учун жуда фойдали. Саратон (рак)нинг олдини олади, саратон янги бошланган бўлса, тўхтади.

1 ош қошиқ зигир уруғи туйилади, 1 қошиқ асал ва 3-5 дона эзилган саримсоқ билан аралаштирилади ва ютилади, устидан сув ичилса, (“Сув” бўлимига қаранг.) ич кетишини тўхтади, ич қотишининг олдини олади.

1 ош қошиқ зигир уруғи иссиқ сув билан аралаштирилиб, устига латта қопланади ва 1-2 соат дамланади. Ёки 1 қошиқ зигир уруғи 50 гр совуқ сув билан аралаштирилади ва 5-6 соат туради. Кейин уруғлари билан кунига 1 маҳал ичилади.

Янги майдаланган зигир уруғи сув билан аралаштирилади, эзилган ва шиш жойларга компресс қилинади. Қайнатилган зигир уруғининг бўтқаси куйган жойларга сурилади. Зигир уруғи кичитқи ўти билан қайнатилиб, асал билан ёки ўзи ейилса, саратонга фойда беради. Зигир уруғи нон хамирига қўшилса, нон ҳазмини осонлаштиради. Янги қовурилган ва майдаланган зигир уруғи зайтун ёғи билан аралаштирилиб, бош терисига сурилса, соч тўкилишини тўхтади, сочларнинг ўсиши ва қалинлашишини таъминлайди.

Огоҳлантириш: майданланган зигир уруғини кутмасдан ишлатиш керак, акс холда таркибидаги омега кислоталари шифо хусусиятини йўқотади!

Қизил лавлаги *Beta vulgaris*

Қизил лавлагининг суви энг кучли саратон олдини олувчидир ва қон ишлаб чиқарувчиларидан биридир. Петрушка ва селдир барглари қизил лавлагининг фойдасини ортиради.

Қизил лавлаги сувини, қарам, исмалоқ, сабзи ёки семизўти суви билан аралаштириш мумкин. Сабзи суви билан яримга-ярим аралаштирилган қизил лавлаги суви ҳар куни 400 граммдан ичилса, эритроцитлар миқдорини қисқа вақт ичида кўпайтиради. Томирларда тўпланган минерал кальцийни яхшигина эритадиган ҳам лавлаги сувидир. Мўррисафий, зарчуба ёки долчин билан пиширилган қизил лавлаги

жигар ва талокдаги қопламаларни очади. Буйрак ва сафро косасини (ўт пуфагини) тозалайди.

Пиширилиб эзилган қизил лавлаги шишларга сурилса, уларни йўқотади. Қизил лавлаги сувини ичиш бачадондаги фиброма ва миомалар ҳамда кўз пардасини эритади, юксак қанд ва ҳароратни туширади.

Простатит, туберкулез ва асаб касалликларига фойдали.

Қулоққа илиқ лавлаги суви томизиш қулоқ оғриғини кесади ва яллиғланишни тўхтади.

Бош терисига суриш кепакни кетказди.

Қизил лавлаги сувини ичаётиб 30-50 граммдан бошлаб 400 граммгача чиқариш мумкин. Аввалига 50 гр қизил лавлаги 150 гр сабзи суви билан аралаштирилади, сўнг 75 гр қизил лавлаги 125 гр сабзи суви билан, сўнг 100 гр қизил лавлаги 100 гр сабзи суви билан, кейин эса соф қизил лавлаги сув билан аралаштирилиб ичилади.

Қоразира *Cuminum cuminum*

Сийишда қийналиш ва ич кетишига дори, простатит ва бошқа безларни сақлайди, таомлар ҳазми ва газ чиқишини осонлаштиради, буйрак ва ковуқни касалликлардан сақлайди, тошларни парчалаб туширади, ичак яраларининг ёпилишини таъминлайди, терини гўзаллаштиради. Кўп истеъмол қилиш терини сарғайтиради. Қоразира палов ёки шўрвага солинади, бошқа таомлар устига эса майдаланиб сепилади. Майдаланган қоразира тез эскиради.

Бир микдор қоразира, сано ва жамбул ёки кашини туйилади ва бу аралашмадан 1 чой қошиқча таом устига қўшилади.

Донали ёки кукунли қоразира ейиш ёки чойини ичиш ич кетишни тўхтади, тошларни туширади. Майдаланган қоразира асал ва зайтун ёғи билан аралаштирилади, эркак тухумидаги шишларга сурилади ва 3-5 соат кутилади.

Қоразира асал шарбатига қўшилганида она сутини орттиради. Айни шарбатга озгина сирка қўшиб ичиш, сийишда қийналиш ва нафас қиссишига фойда беради.

Хино *Cinchona*

Ҳадиси шарифларда: “Кексайишни хино билан кетказинг. Зеро у юзларингиз учун гўзаллик, оғизларингиз учун хушлик, хотинларингиз учун қувватдир. Хино жаннат аҳли хидларининг саййидидир ва хино куфр билан имонни айиради”, дейилган. Хино қайнатилиб ичилса, балғамни тарқатади, майдаланган ва

намланган хино оғриган оёқларга сурилса, оёқ оғриғини бартараф қилади, иссиқ шишларга боғланса, шишни юмшатиб, яллиғланишни кетказди. Хино ёғи асабларни ва барча шишларни юмшатади. Хино туйилиб, сув билан аралаштирилади ва тирноқ инфекциясига, куйган жойларга ва соч парваришида қўлланилади.

Қарам *Brassica capitata*

Оқ қарам Е витаминлари манбасидир. Тухум касалликларига, семизлик, гормон мувозанатсизлигига, ревматизм, шишлар, милк ва талок касалликлари, хуснбузар, тери касалликларига қарши қувватли қуролидир. Қабизлик (ич қотиши) ва унга боғлиқ тери касалликларини кетказди, қондаги қандни туширади.

Оқ қарам суви оз муддатда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги яраларини ёпади, ичакларни тозалайди, она сутини кўпайтиради. Эски яралар устига янги қарам барглари эзилиб сурилса, яраларни тозалаб қисқа вақт ичида ёпади, оғриган бошга сурилса, бош оғриғини кетказди, шишган талокқа сурилса, шишни туширади. Оқ қарам таоми ёки қарам суви ичакларда газ тўпласа, бу қарам у киши мижозига тўғри келмаганини кўрсатади. Бу киши оқ қарам ўрнига қизил қарам, броккол, сабзи ёки қизил лавлаги ейиши керак.

Лимон *Citrus limonum*

1-3 дона лимон суви сиқилиб, сув билан аралаштирилиб ҳар куни оч қоринга ичилса, шифо бўлади. Қондаги РН мувозанатини таъминлайди, аллергия, эгзема ва замбуруққа қарши фойдали. Ҳароратни, юқори қон босими ва қанд моддасини туширади. Яллиғланишни қуритади, балғамни юмшатиб, ўпкалардан ҳайдайди, озишни ва ҳазми осонлаштиради. Хусусан, қон гуруҳи “А” бўлганларга лимон ва суви жуда фойдали. Лимон танадаги оҳакни эритади, сийдикни кўпайтиради, ковуқ ва буйрак тошларини парчалаб, туширади. Терига сурилса, терини гўзаллаштиради, хуснбузарларни йўқотади. Суви бош оғриғига, томоқ инфекцияларига ва ангина шишига фойда беради. Қусишнинг олдини олади, ич кетишини тўхтади. Иссиқ сув билан ичилганида терлатади. Лимон пўстини чайнаш милк қонашини, уруғларини чайнаш ич қотишининг ва гемморойнинг олдини олади. 2-3 грамм қуритилиб, майдаланган лимон уруғи ёки пўсти инфекция ва ҳар қандай заҳар таъсирини камайтиради.

(Давоми кейинги бетда)

ТАБИЙ ДОРИ - ДАРМОНЛАР

Давоми боши олдинги бетда

Илон чаққан пайт лимон сувини пўсти суви билан аралаштириб ичиш ва чаққан жойга лимон пўсти қўйиш фойда беради. 2-3 кун давомида кунига 2-3 марта алмаштириб, терининг қаварган жойларига лимон пўсти қўйиш қавариқларни кетказади. Лимонни шакар билан ейиш зарарли, кон кислотасини кўтаради, оҳак тўпланишига, аллергия ва замбурукка сабаб бўлади. Сиқилган лимон суви нордон эмас, нордон-ширин бўлади. Лимонни хушламаганлар ҳар куни эрталаб сув қўшиб грейфрут суви ичишлари ёки грейфрут ейишлари керак. Юнг материаллар орасига лимон пўсти қўйиш қуяларни кўпайишининг олдини олади. Лимон суви 15-30 дақиқадан кейин шифо хусусиятини йўқотишни бошлайди.


Мисвок *Salvadora persica*

Мисвок балғамни кесади, кўриш қувватини оширади. Оғиз таъмини яхшилади, милк, ошқозон, ичак, простат, тухумликлар ва бачадон нервларини кучлантиради, тиш чириши ва милк касалликларининг олдини олади, тиш тошларини туширади. Мисвок ишлатиш суннатдир. Мисвок тишдан кўра милкларга таъсирлироқ. Чунки ҳар бир тиш остида турли аъзоларга боғлиқ икки-тадан акупунктур нуктаси мавжуд. Милкка боғланган аъзолар фаолиятини тартибга солади. Мускуллардаги оғриқни камайтиради, милк касалликлари ва тиш чиришларининг олдини олади, оғиздаги зарарли микробларни ўлдиради, мия соғлигини ва хотира мустаҳкамлигини охириги нафасгача сақлайди.

Мисвокнинг таъсири қўлланганидан бошлаб 48 соат давом этади. Тиши йўқларга ёки тақма тишлилар милкларга мисвок ишлатишлари мумкин. Тишида қоплама бўлганлар милкларига қон айланиши яхши бўлмагани учун, яна-да давомли мисвок қўлланишлари зарур бўлади.

Мисвокни туфук билан намлатиб, олд тишлар билан юмшатиш керак. Бу ҳаракат бачадон, тухумлик, простат ва марказий асаб тизимини қувватлантиргани учун муҳим. Мисвокнинг бу шаклда қўлланилиши айни пайтда тишлар қимирлашининг олдини олади, қимирлаган тишларни котиради. Даволанишда кунига 3-5 марта камида 40 кун давомида танаффуссиз мисвок ишлатиш керак. “Мисвок бўлмаганида, бармоқ мисвок ўрнига ўтади”. (Ибн Умар ривоят этган ҳадис)

Қувук ва буйрак тошларини эритиб тушириш учун ишорат бармоғи қалинлигида 15 см узунликдаги 5-6



дона мисвок олинади. Ҳар бири 15 парчага бўлинади, 6 литр сувга солиб, паст оловда ярми тугагунича (тахминан 6 соат) қайнатилади. 3 кун давомида, тугагунича ютум-ютум ичилади.

Ялпиз *Mentha pulegium, M. Sylvestris*

Ошқозонни иситади ва қувватлантиради. Ҳазмга ёрдам беради. Балғам ва қусишнинг олдини олади, ошқозон ва ўпка яллиғларини қуритади, манийни кўпайтиради. Лимонли ялпиз чойи йўтални кетказади. Ялпиз озукаларнинг бузилишини олдини олади, юз ва оғиз ҳидини яхшилади. Сано билан бирга ишлатилганда ичакларни тозалайди, гижжа ва зарарли микробларни ташқарига чиқаради. Сутга қўшилса, сут бузилишининг олдини олади.

Янги ялпиз терлатади, бош оғриғи, айланиши, одатий оғриқлар ва ошқозон ачишини кетказади, жинсий хоҳишларни камайтиради. Эзилган ялпиз озроқ туз, сув ва сирка билан аралаштирилиб ичилса, талок касалликларига шифо бўлади. Ялпиз анжир билан бирга ейилса, ўпкаларни тозалайди, цирроз ва сарик касаллигига жуда фойдали. Ялпиз ейиш ва қатик суви ичиш фил касаллиги (бесўнақайлик) ва варикозга фойда қилади.

Анор *Punica granatum*

Ҳазрати Али (р.а.): “Аллоҳнинг нури анор еганларнинг қалбададир”, деганлар.

Биологик жараёнларни тезлаштиришда самарали. Ҳазм тизимидаги барча бузилишларни тuzатади, конни тозалайди. Юрак қувватсизлиги, ўпка касалликлари, ички яралар, нифос, сафро косаси (ўт пуфағи) безовталаниши, қусиш, геморрой, ҳуснбузар ва учукларда ишлатилади. Анор суви, асал аралашмаси ҳазмни

қувватлантиради. Анор пўстининг яшили сийдикни кўпайтиради. Нордон анор яллиғланишлар ва диабетга, ширини эса томоқ ва кўкрак касалликларига даво. Анор ҳарорат билан боғлиқ касалликларга шифо. Уруғлари ва ичининг пўстлоқлари билан ейиш ич қотишининг олдини олади, ошқозонни тозалайди. Мавсумида ичилган анор суви терини тозалайди ва порлатади. Уруғсиз анор ва тоза анор суви ични қотиради. Шунинг учун анор суви ичаётганда кунига 1-2 марта узум ёки анжир ейиш керак.

Анор пўсти ич кетишини кесишда ва гижжа туширишда дори сифатида ишлатилади.

Анорнинг ташқи пўсти қуритилиб, туйилади. Эрталаб ва кечкурун бир чой қошиғи сув билан ютилади. Болаларга эса ½ чой қошиқ берилади, асал билан аралаштирилади. Ич кетишини тўхтатади, гижжаларни туширади, шалвираб қолган ошқозонни нормал ҳолга келтиради.

4-5 кун уруғлари билан анор ейиш буйрак қуртларини туширади, ич кетишини тўхтатади ва ичаклардаги яраларни ёпади.

1 ош қошиқ қовурилиб, майдаланган гуруч 400 гр сув билан аралаштирилади, 1 ош қошиқ майдалаб кесилган анор пўстлоғи қўшилиб, қайнатилади ва ҳар куни 100 граммдан 4 марта ичилади ёки клизма қилинади. Ич кетишини тўхтатади, ошқозон ва ичак яраларини ёпади.

Анор уруғлари қуритилиб, туйилади. Кунига 2 марта, бир неча чой қошиғи сув билан ичилади. Ич кетишини тўхтатади, ошқозон ва ичак яраларини ёпади.

Нордон анор суви ҳуснбузар ва учукларга сурилади.

Ошқозон яллиғланишини даволаш ва сийдик тўктириш учун нордон ёки ширин анор уруғлари билан бирга (асал билан ҳам бўлади) ейилади.

ОЙДИН СОЛИХ
“ҲАҚИҚИЙ ТИББИЁТ” китобидан

(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

www.uzxalqharakati.com

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир
Қамолддин Йўлдош